



БУГУНГИ СОНДА:

1-БЕТ

...Дастлабки тергов жараёнида маълум бўлишича, бераҳмлар Илҳомни отасига юз минг сўмга «сотмоқчи» эканлар...

2-БЕТ

Жиноятчиликка қарши кураш ҳақида Битим.

3-БЕТ

...Қария билан суҳбатла-

шишининг иложи бўлмади. У аллақачон бандаликни бажо келтирганди...

4-БЕТ

...Тинтув вақтида Александр тайёрлаган 726 дона ўн сўмлик сохта пуллар чиқди...

8-БЕТ

...Ўз танасини пулга сотадиганларнинг танобини тортиб қўядиган вақт келди...

ҚАЛАМИНГИЗ УЧИ ҚАЙТМАСИН

Иқдор бўлишимиз керак, бундан уч-тўрт йил аввал ҳар биримиз баҳор фаслининг сўнгги ойини кўп минтиқлик билан кутардик. Негаки май ойида кунора байрам бўларди. 1 май — халқаро бирдамлик, 5 май — матбуот, 7 май — радио, 9 май талаба кўни сифатида ўта тантанали равишда нишонланарди.

Республикамиз тўла маънода мустақилликка эришгач, ана шу байрамлар хусусида чуқур ва жиддий мулоҳаза юритадиган бўлиб қолдик. Тақвимда қизил рақамлар билан белгиланган кунларда юракдан хурсандчилик қилишга ҳақимиз борми, уқуман бу байрамларни байрам деб атаса бўладими деган муаммолар қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлапти. Ва охир-оқибатда, ҳозирча расмий эълон қилинмаган бўлсада, шўро сиёсати ўргатган уйдумлардан секин-асталик билан воз кечи бораёмиш. Авваллари «Ура-ура»лару «Яшасин...» деб бошланувчи чақириқлар билан файзли кўринадиган кунлар ўз шукуҳини тобора йўқотяпти.

Ҳаммамиз яшши биламизки, шу пайтларгача «Правда» рўзномасига асос солинган 5 майни «Энг кучли ғоявий кўрол» бўлмиш матбуот туғилган кун деб билдик. Нуфузли йигинларда қилинадиган узундан-узқоқ маърузаларда «Правда» рўзномасининг туғилиши ҳар йили ўта жимжимадор сўзлар билан қайта-қайта такрорланар ва биз эса бу нутқларни сабрбардош билан тинглаб, сўнггида мажбуран қарсақ чалишга одатланган эдик. Аммо шундай эсада, ҳеч ким инкор этмайдикки, ниқилоб жарчиси ҳисобланмиш ўша рўзномани эътиборга олмаганда ҳам бу кун қандайдир ёқимли ҳамда фарахбахш эди. Иложини қилиб ўша тантанали анжуманларда иштирок этмасакда, ҳамкасблар бир-биримизни табриклашга ўрганганимиз. Бу энди мажбуран ёки расмийлик юзасидан эмас, балки чин юракдан.

Тан олмиш ва тан олиш ҳам керак, рўзнома чиқариш халқ таъбири билан айтганда нина билан қудуқ қазинида мушкул. Бунинг тахририятда ишлаб кўрган ёки шу оғир касбга меҳр қўйиб, рўзнома, ойнамага бирор нарса ёзишга кўникканлар чуқур ҳис қилишади. Айниқса бугунги давримизнинг олмиш, сиёсат деганларни кун сайин, соат сайин ўзгаряпти, иқтисодий ниқирознинг ҳозирча охири кўринмаёпти,

нарх-наво осмонда. Шундай вазиятда ҳажимдан қатъий назар рўзнома чиқариб, мумкин қадар халққа тўғри йўл кўрсатишнинг ўзи бўладими! Устига-устак қоғоз нарх, босма-хонаю, ташиш харажатлари кўп етмас бандликка чиқиб олган бўлса!

Ана шундай кунлар остонасига келиб қолганимиздаёқ биз — «Постда» нашри ижодий ходимлари бирмунча тушкунликка тушдик, бунинг яширмаймиз. Аммо энг олий ҳакам вақт экан. Аввало кўп-минг сонли муштарийларимиз нашримизга қайтадан обуна бўлишни бошлаб юбордилар ва шу тариқа далда бердилар. Қолаверса, рўзномамиз таянчи бўлмиш жамоатчи муҳбирларимиз кўлларида келганича моддий ёрдам кўрсатишга қарор қилдилар. Қандай қилиб дерсиз! Мисол учун айтганда фарғоналик Эминжон Обидов, жиззахлик Илҳомжон Юнусов, самарқандлик Нишон Мелиев каби ўнлаб домий муаллифларимиз эълон қилинган ўз материаллари учун тўланадиган қалам ҳақини «Постда» жамғармасига қўйишимизни сўрашди. Эҳтимол булар дарёга бир сиқим тупроқ ташлаганчалик ҳам бўлмас, дерсиз! Тўғри, шундай, аммо биз уларнинг ҳимматларини юқори баҳоладик.

Энди бевосита «Постда» фаолияти хусусида. Ҳеч кимга сир эмас, у узқоқ йиллик таърифусдан сўнг мкинчи йили ўқувчилар қўлига етиб борапти. Уни қайта таъкил этишдан мақсад — милиция ва халқ ўртасидаги тушунмовчилик дегорини олиб ташлаб, ўрнига ўзаро ҳурмат ва ҳамкорликка асосланган холис муносабат кўпригини қўриш эди. Ҳўш, ана шу мақсад амалга ошди-ми! «Ҳа» десак, сал оширворган бўламиз, «йўқ» десак, ортиқча камтарлик қилиб, кўпчилик кўриб-билиб турган ютуқларимиздан кўз юмган бўламиз. Бу ерда ҳамон ҳаракат қилишимиз, деган ибора мосроқ бўлса керак.

Аслида ўзига ўзи баҳо бериш ноқулайроқ, аммо барибир тан олиш даркор: «Постда» рўзномаси бошқа нашрлар эътиборидан четда қолиб келадиган ички ишлар соҳаси муаммоларини чуқур таҳлил этишга бел боғлаган. Муштарийлар эслашса керак, дастлабки ҳаракатларимизни юртимизга ўзга республикалардан мўр-малахдай ёпирилиб келадиган дайдилар «ташриф»нинг

чеклашга қаратдик. Ўзига яраша муваффақиятларимиз йўқ эмас. Кейин эса ичкиликбозликка қарши кураш долзарблиги эътиборимизни тортиди. Чунки ичкиликбозликка муккасидан кетганлар тақдири аросатда қолганди. Ҳаттоки судлар ҳам уларнинг ишини кўришдан воз кечган, даволаш-меҳнат профилакторийлари қўли «кишанлан»ганди. Бу борада ҳам қатор чиқишлар қилиб, бирмунча ижобий ўзгаришлар қилишга муваффақ бўлдик. Қолаверса, ҳуқуқ-тартибот идораларига шахсий манфаатини кўзлаб кириб олган, бурчини суинистемол қилиб юрган ходимлар пўстагини қоқиш ҳам эсимиздан чиқмади. Айни пайтда осойишталикни сақлаш йўлида қонуний ҳатти-ҳаракатларни учун ҳам маънавий, ҳам жисмоний тазйиққа дучор бўлаётган ҳамкасбларимизни мумкин қадар ҳимоямизга олдики, бунинг исботини жанжалу баҳс-мунозараларга, тортишувларга сабаб бўлган мақолаларимиздан топиш мумкин.

Айни пайтда эса мавжуд қонунларимизнинг ўта очор ва номукаммаллиги хусусида кўп-лаб чиқишлар қилишимиз ва уларни замон талабига мослаб ўзгартириш, такомиллаштириш бўйича таклифларимизни баралла айтаямиз. Зеро бу Ўзбекистонимиз мустақиллиги мустаҳкамланганда бир пайтда ўта долзарбдирки, юртимизда жиноятчилик ривожини тўтатиш, бора-бора бутунлай пайини қирқиш шунга боғлиқ.

Ана шундай залворли мақсадимизни амалга оширишда жойлардаги сadoқатли муаллифларимиз — фарғоналик Эминжон Обидов, Мухаммад-расул Кимсанбоев, Акрамжон Умаров, андижонлик Уктамжон Холиқов, Эргаш Турдиқулов, Анваржон Зокиров, хоразмлик Саъдулла Бобоев, бухоролик Зикрилла Неъматов, сирдарёлик Ф. Муштоқов, жиззахлик Илҳомжон Юнусов, қашқадарёлик Чори Сатторов ва бошқалар ҳамнафас, ҳамфирр кўмакчиларимиз сифатида ёрдам бермоқдалар. Шундай экан, матбуот кўнига қай шаронда асос солингандан қатъий назар, уларни жамиятдаги энг оғир вазифани гарданига олган қаламқашлар сифатида кечаги касб байрами билан муборакбод этамиз. Ўзингиз соғ-омон бўлинг, қаламингиз учини ҳеч қачон қайтмасин, деймиш.

Раҳмон АЛИ.

ЎҒИЛНИНГ БАҲОСИ ЮЗ МИНГ

23 апрель кўни Уртачирчиқ тумани ИИБ навбатчилик қисмига «Ҳақиқат» жамоа хўжалигидан 1982 йилда туғилган Илҳом ўғирлангани ҳақида хабар келди.

ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги А. Йўлбарисов вақтни бой бермай оператив гуруҳ тузишга буйруқ берди, ўринбосари У. Ханжаровни эса гуруҳга раҳбар этиб тайинлади.

Изқуварлар воқеа жойига шошилдилар. Маълум бўлишича, соат 12 ларда мактаб биноси ёнига сариқ рангли П 50-20 ТШ рақамли «Москвич-412» белгили машина келган ва болани олиб, номаълум тарафга олиб кетган.


Изқуварлар шу воқеага пувоқ бўлганларни топиб, маълумотлар йиғиш мақсадида қовиларни бирма-бир айланиб чиқишга, мактабда ўқиётган болалар билан шошилмиш равишда суҳбатлашшга мажбур бўлдилар. Юқорида рақами зикр этилган машина Ол-

малик шаҳрида истиқомат қиладиган А. Б. га тегишли эканлиги аниқланди. Зудлик билан ўша манзилгоҳга боришди. Аммо А. Б. нинг қариндошлари унинг қаерда эканлигини айтиб беришолмади. Бирдан-бир йўл унинг яқин кишилари доирасини ўрганиш эди. Шундай қилинди ҳам. Бу сўй-ҳаракатлар бесамар кетмади. Тунги соат 2 да шаҳарнинг Ленин кўчасида ўша машина ичида ўтирган Илҳом қўтарилди. Салондаги жиноятчилар А. Б. ва В. У. лар эса ҳибсга олиниб, ИИБга келтирилди.

Дастлабки тергов жараёнида маълум бўлишича, бераҳмлар Илҳомни отасига юз минг сўмга «сотмоқчи» эканлар.

Бу иш бўйича ЖМнинг 128-моддаси 3-қисми билан жиноий иш қўзғатилди. Жиноий пуруҳнинг учинчи аъзоси бўлмиш М. Ж. эса ҳозирча қочиб юрибди. Уни ҳам қўлга олиш тадбирлари кўриляпти.

Испом ХУДОЕР.



Суратда: Илҳомнинг халоскорлари — (тапдан ўнгга) Уртачирчиқ тумани ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция катта лейтенанти Уткир Ханжаров, ИИБ бошлиғи милиция подполковниги Абдукарим Йўлбарисов, ЖК операвики, милиция лейтенанти Рамазон Хонтемиров ҳамда кичик операвик милиция катта сержанти Абдулмалик Парпиевлар учинчи жиноятчини туттиш ҳақида фикрлашмоқдалар.

Сураткаш И. МИНАВВАРОВ.

МАРДЛАР УНУТИЛМАЙДИ

Ўзбекистон ИИБ қошидаги милиция тарихи музейига биринчи марта 1974 йилда томошабинлар қадам ранжиди қилишганди. Ҳозирги кунгача эса унинг бебаҳо экспонатларини минглаб кишилар катта қизиқиш билан томоша қилдилар.

— Экспонатларни топиб келтириб, дид билан жойлаштиришнинг ўзи бўлган эмас, — дейди музей асосчиларидан бири Алексей Тимофеевич Киряков. — Ҳар бир ашё ўзига хос бир тарихга эга.

Ҳа, чиндан ҳам улар ўтмишдан, тарих саҳифаларидан ўчмас из бўлиб туриб-

ди. Улар билан «тиллаша» олсангиз, гўё тилсим очилгандек, бутун милиция ҳаётини библи олиш қийин эмас.

Айниқса, Улуғ Ватан уруши даврига хос экспонатлар киши диққатини тортади. Уларда ҳар бир қарич ер учун жон олиб, жон берилган бир пайтда милиция ходимларининг жанг майдонидаги ва фронт ортидаги ҳақиқий мардликлари акс этган.

СУРАТДА: музейда бўлсангиз, унинг бошлиғи М. Мирзаев жон-жон деб сизга ҳамроҳ бўлади.



Ҳамкорлик самара беради

Газетамизининг ўтган соҳида Олма-отада собиқ СССР ички ишлар вазирлари йиғилиши якунлангани ва бунинг натижасида ҳуқуқий ҳимоя қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи муҳим ҳужжатлар имзолангани ҳақида хабар қилган эдик. Ҳужжатлар ичида энг муҳими мустақил давлатлар ИИВларининг жиноятчиликка қарши кураш ҳамкорлиги тўғрисидаги Битим бўлиб, қуйида шу ҳужжат матнини тўлалигича эълон қилимиз.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо бўлган ва мазкур Битимда бундан кейин Томонлар деб аталадиган давлатлар — Озарбайжон Республикаси, Арманистон Республикаси, Белорус Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Молдова Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси, шунингдек Латвия Республикаси, Литва Республикаси ва Эстония Республикаси ИИВлари бутун чоралар билан:

— жиноятчиликка қарши кураш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш борасидаги ўзаро ҳамкорликларини ривожлантиришга жиддий аҳамият берган;

— мустақил давлатлар ички ишлар идоралари ўртасида ўзаро ишонч ва ҳамкорликини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш истагига амал қилган;

— мустақил давлатларнинг жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги ҳамкорлигида давлатлар суверенитети ва тенгҳуқуқлиги, бир-бирларини тушуниш ва ўзаро манфаатдорлигини таъкидлаган ҳолда қуйидагига келишилди.

1-МОДДА

Томонлар ўз давлатларининг амалдаги қонунлари асосида қуйидаги соҳаларда ҳамкорлик қиладилар:

а) фуқаролар ҳаёти, соғлиги, ғурури, мавқеи ва мулкига қарши жиноятларга қарши кураш;

б) бандитизм, терроризм ва халқаро жиноятчиликка қарши кураш;

в) қуроллар, ўқ-дорилар, портловчи ва заҳарли моддалар ва радиоактив материаллар билан ноқонуний операцияларга қарши кураш;

г) гиёҳвандлик ва руҳий таъсир қилувчи моддалар билан ноқонуний муомала қилишга қарши кураш;

д) қалбаки ҳужжатлар, пул ва қимматбаҳо қоғозлар тайёрлаш ва сотишга қарши кураш;

е) иқтисодий соҳасидаги жиноятчиликка қарши кураш;

ж) контрабанда, шунингдек маданий ва тарихий қадриятларга алоқадор жиноятларга қарши кураш;

з) жиноятчилар, тергов ва суддан, жазони ўташдан қочиб юрган, бедарак йўқолган, шунингдек алимент тўлаш ва давводан бўйин товлаётган шахсларни қидириш;

и) номаълум жасадлар, беморлар ва болалар шахсини аниқлаш;

к) темир йўл, сув ва ҳаво транспортларидаги жиноятларга қарши кураш.

2-МОДДА

Давлатлар ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш борасида тегишли Шартномалар туз-

гунларига қадар, Томонлар, миллий қонунлар асосида ва икки томонламалик шарт билан жиноий ишлар, оператив ҳисобга олиш ишлари ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ҳужжатларга тааллуқли сўров ва илтимосларни қондириш йўли билан жиноятчиликка қарши кураш борасида ўзаро ҳам-

корликни амалга ошириш мажбуриятини оладилар.

Томонларнинг ҳамкорлиги, шунингдек қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

а) тайёрланаётган ёки содир этилган жиноятлар ва уларга алоқадор шахслар тўғрисидаги оператив-қидирув, оператив-маълумотномалар, ва криминалистикага оид ахборотлар, шунингдек архив ахборотларини айирбошлаш;

б) оператив-қидирув тадбирлари ва иш юритиш (процессуал) ҳатти-ҳаракатларини ўтказиш;

в) ички ишлар идоралари фаолияти масалалари бўйича тажриба алмашиш, қонун ва норматив ҳужжатлар, ўқув адабиёти айирбошлаш, шунингдек, икки томонламалик асосида мутахассислар тайёрлаш ва уларнинг малакаларини оширишга ёрдам бериш;

г) криминал ва махсус техника, алоқа воситалари, ишлаб чиқариш-техник йўналишдаги буюм мулклар ва махсулотлар билан ўзаро манфаатли таъминот;

д) махсус ва бошқа юкларни, соқчилар қўриғи остидаги шахсларни бир манзилдан бошқасига олиб ўтишда ўз ҳудудидан фойдаланишда кўмаклашиш;

е) ички ишлар идоралари масалалари бўйича илмий-техника ахбороти айирбошлаш, эътиборга молик долзарб муаммоларга оид илмий тадқиқотлар, ишлар ва дастурларни биргаликда ўтказиш;

ж) шифрли алоқа ташкил этиш;

з) спорт ва маданий алоқаларни ривожлантириш, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини даволаш, санаторий ва курортларда саломатликларини тиклашга ёрдам бериш.

Ушбу Битим ҳамкорлигининг ўзаро мақбул янги шакллари ишлаб чиқишлари ва такомиллаштиришларига монеълик қилмайди.

3-МОДДА

Мазкур Битимнинг 2-моддаси 1-қисмида кўзда тутилган сўров ва илтимослар тегишли равишда расмийлаштирилиши лозим ва улар қуйидаги расмий жиҳатларга эга бўлиши керак:

а) сўров ёки илтимос қилаётган ички ишлар идорасининг ва улар мурожаат қилаётган ички ишлар идорасининг номи;

б) сўров ёки илтимос қилиб юборилаётган иш ёки ҳужжатнинг номи;

в) гувоҳлар, жабрланувчилар, шубҳа остидагилар, айбланувчилар, қидирилаётганлар, судланувчилар ва ҳукм қилинганларнинг исми-шарифи, уларнинг қайси давлат фуқароси эканлиги, машғулоти ва доимий турар-жойи ёки манзилгоҳи, зарур ҳолларда эса уларнинг қонуний вакиллари исми-шарифлари ва турар-жойлари;

г) сўров ёки илтимос мазмуни, шунингдек уларнинг

а) тергов ва суддан яшириниб юрган шахсларни ушлаш, зарур ҳолларда уларни қамоққа олиш;

б) жиноий жавобгарликка тортиш ёки ҳукми ижро этиш учун уларни сўралаётган Томонга бериш;

7-МОДДА

Томонлар Россия Федерацияси ИИВ ихтиёрида бўлган оператив-кўрсаткичли дактилоскопия, криминал ва бошқа давлатларда рўйхатга олинувчи ҳужжатларни тўлдириш учун мана шундай ҳисобга олиш керак бўлган шахсларга оид зарур ахборотларни тақдим этиш мажбуриятини ўз зиммаларига қабул қиладилар. Томонлар бу ахборотдан бепул фойдаланадилар.

Бундай ахборот жамғармаси ичини олиб бориш улуш қўшишда қатнашиш асосида амалга оширилади. Улуш миқдори Томонларнинг келишувига биноан белгиланади.

10-МОДДА

Жиноятчиликка қарши курашни мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳаракатларни уйғунлаштириш учун Томонлар мустақил давлатлар ички ишлар вазирларининг Кенгашини (Мазкур Битимда у бундан кейин Кенгаш деб юритилади) таъсис этадилар.

Кенгашнинг ёрдамчи идораларини ташкил этиш ёки уларни бекор қилиш, уларнинг миқдорий таркиби ва иш олиб бориш тартиби ҳақидаги қарорларни Кенгаш қабул қилади.

11-МОДДА

Томонлар ҳамкорликни амалга оширишда рус тилидан фойдаланадилар.

12-МОДДА

Мазкур Битим қондалари Томонларнинг бошқа халқаро Шартнома ва Битимларидаги мажбуриятларига даҳл қилмайди.

13-МОДДА

Мазкур Битимлар қабул қилиниши ички ишлар вазирликлари ўртасидаги икки томонлама алоқаларнинг ривожланишига монеълик қилмайди.

14-МОДДА

Томонлар мазкур Битимни амалга оширишда юзага келадиган харажатларни, агар бошқача тартиб ўрнатилмаса, мустақил равишда ҳал қиладилар.

15-МОДДА

Мазкур Битим бошқа мустақил давлатлар ички ишлар вазирликлари имзолашлари учун очиқ. У имзоланган вақтдан кучга киради.

Томонларнинг ҳар бири бошқа Томонларни ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда ушбу Битимда иштирок этишдан воз кечишлари мумкин.

Бирор Томон Битимда иштирок этишдан воз кечган ҳолларда Томонларнинг Битимдан келиб чиқувчи мажбуриятларини бажариш муддати мазкур Томоннинг Битимда иштирок этишдан воз кечиши ҳақидаги огоҳлантиришдан сўнг 6 ой ўтгунга қадар давом этади.

Қуйида ўз дастхатларини қўйганлар, ўз ҳукуматларининг тегишли ваколатига эга бўлган ҳолда, юқоридагиларни тасдиқлаш учун мазкур Битимга имзо чекадилар.

Озарбайжон Республикаси ИИВ

Арманистон Республикаси ИИВ

Белорус Республикаси ИИВ

Қозоғистон Республикаси ИИВ

Қирғизистон Республикаси ИИВ

Молдова Республикаси ИИВ

Россия Федерацияси ИИВ

Тожикистон Республикаси ИИВ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ

Латвия Республикаси ИИВ

Литва Республикаси ИИВ

Эстония Республикаси ИИВ

Мазкур умумий Битим асосида Ўзбекистон Республикаси ИИВ, шунингдек Латвия Республикаси ва Эстония Республикаси билан жиноятчиликка қарши кураш соҳасида ҳамкорлик қилиш юзасидан икки томонлама Битим тузди.

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИНИНГ ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШ СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ

Б И Т И М

8-МОДДА

Томонлар ўзаро келишувга мувофиқ ходимларини ўзга Томон ички ишлар идораларига хизмат сафарига юборишлари мумкин.

Хизмат сафаридаги ходимларга қабул қилувчи Томон юбораётган Томоннинг сўров ва илтимосларини бажаришлари учун зарур ёрдам берадилар, уларнинг ҳуқуқий ҳимояланишини таъминлаш учун ўз давлатларининг амалдаги қонунларига мос равишда чора кўрадилар.

9-МОДДА

Томонлар ходимларнинг бошқа Томон ички ишлар идораларига хизматга ўтишларига тўсқинлик қилмаслик, уларга хизматни ўтаган йилларига тўланадиган қўшимча устама ҳақ ва давлат нафақалари тайинлаш учун хизмат муддатини сақлаб қолиш, ходим ишга ўтган Томон ички ишлар идоралари ходимлари учун кўзда тутилган миқдорда белгиланишига келишиб олдилар.

Томонлар, шунингдек мазкур Томонлар давлатлари ҳудудида доимий яшовчи ички қўшинлар ҳарбий хизматчилари, ички ишлар идо-

4-МОДДА

Агар сўров юборилаётган Томон сўров ёки илтимосни бажариш ўз давлатининг мустақиллиги, хавфсизлиги ёки бошқа муҳим манфаатларига путур етказадиган деб ҳисобласа, уларга қисман ёки тўла-тўқис рад жавоб бериши мумкин. Шундай қарор қабул қилинган тақдирда сўров юборган Томон рад этишнинг сабаблари кўрсатилган ҳолда ёзма равишда хабардор қилинади.

5-МОДДА

Агар бир Томондан юборилаётган маълумот махфий хусусиятга эга бўлса ёки ахборот бераётган Томон унинг мазмунини ошкор этиш мақбул эмас деб ҳисобласа, Томонларнинг ҳар бири маълумотларни сир сақлаш учун барча чораларни кўрадилар. Маълумотларнинг махфийлик даражасини уни бераётган Томон белгилайди.

Мазкур Битим доирасида Томонларнинг биридан олинган маълумот ва ахборотларни учинчи Томонга бериш зарурати туғилган ҳолларда ушбу маълумот ва ахборотларни тақдим этган Томоннинг розилиги талаб этилади.

6-МОДДА

Ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида давлатлараро Битим тузилгунга қадар Томонлар, ўз миллий қонунларига амал қилган ҳолда ўзларининг масъул идоралари қабул қилган қарорлар бўйича ўзга Томоннинг қуйидаги сўровларига ёрдам берадилар:

Хизматларда

«ҚҰРИҚЛАШ»
БИРЛАШМАСИ

— Чиндан ҳам бизда энг кўп тарқалган жиноятчилик ташмачиликдир. Ходимларимиз ҳар кун бир неча ўнлаб халқ мулкига кўз олайтирганларни тутиб келтирадилар. Бу воқеаларнинг қисқача таҳлили шуни кўрсатадики, саноат корхоналарида ва халқ хўжалиги объектларида хом-ашё ва тайёр маҳсулотлар ҳисобкитоби ҳамда назорати кўнгилдагидек олиб борилмайд. Келинг, фикрнинг исботи учун «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмасидан олинган маълумот билан танишайлик биргаликда.

Батальон командирининг ўринбосари, милиция катта лейтенанти Д. Қулиев ҳамда взвод командири милиция капитани А. Абдураимовлар корхонанинг жанубий дарвозасидан чиқиб кетаётган «НамАЗ-5320», «Зил-130», «МАЗ» белгили автомашиналарни тўхтади. Уларга ортилган халқ истеъмоли моллари Хива шаҳридаги «Сўғдиёна» кичик корхонасига аталган экан. Аммо бу моллар хушёрлик билан текширилганда, 1 минг 400 килограмми ёки 12 минг сўмлик ҳисобдан ортиқча эканлиги маълум бўлди.

Кечаси соат иккида корхона ҳудудини айланиб юрган милиция капитани М. Ўролов, милиция катта лейтенанти Д. Қулиев, оддий милиционер С. Пулатовлар ўмариш учун тайёр қилиб

қўйилган нитрон толасига дуч келишди. Омборга қайтарилганда бу маҳсулот 743 килограмм, ёки 28 минг 921 сўмлик эканлиги маълум бўлди.

Бирлашма чилангари Э. М. эса ўзининг акаси, Навбаҳор туманидаги «Бухоро» жамоа хўжалиги тракторчиси М. М. билан ҳамкорликда сувқоғоздан тайёрланган 300 қоп Хитой маҳсулотини олиб чиқиб

ки фабрикасидаги эгриқўлар оқими тўхтатилгани йўқ. Фақатгина ўтган йилнинг ўзида корхонадан чиқаришда худди шундай 238 киши тўхтатилди. Улардан тортиб олинган маҳсулотлар қиймати 13 минг 260 сўмликни ташкил этди. 235 киши Киров тумани халқ суди ҳукми билан ҳаммаси бўлиб 12 минг сўмлик жарима тўлашга мажбур бўлди. Қолганлар устидан

логарм гўшт маҳсулотлари шу тариқа юлғич чангалдан тортиб олинди.

Риштон тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими милиционерлари милиция сержантлари О. Раҳимов ва Б. Тўхтасиновлар кечаси сайр қилиб юрган фуқаро билан қизиқиб қолдилар. Буни қарангки, бадий-сопол буюмлар заводи ишчиси А. Н. 1 минг 380 сўмлик 840 та пиёлани ўмариб

бевосита масъул қилиб таъинланиши керак.

Шу нарсани кишини ташвишга соладики, айрим агро-саноат, савдо-таъминот ва озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи корхоналарда ташмачилар билан мутлақо кураш олиб борилмаяпти. Булунғур тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими ходимлари вино комбинатидан 3 тонна 600 литр маҳсулотни олиб чиқиб кетаётган комбинат ҳайдовчисини қўлга олдилар. Ўзингиз ўйлаб кўринг, у беш панжасини бир-варакайга оғзига тиқиб, бу ишни битта ўзи амалга ошириши ақлга сиғадими? Йўқ, албатта.

Фақатгина ўтган уч ой мобайнида жумҳуриятимиз бўйича 9 минг нафар қаллоб ушланди. Улардан тортиб олинган ва жойига қайтарилган моллар нархи эса 45 минг сўмликдан кўпдир.

Кўриниб турибдики, «вазни оғир» ташмачилар билан курашиш фақат бизнинггина эмас, ҳамманинг бурчи бўлмоғи керак. Ўзгача йўл йўқ.

Милиция майори Элшод РАҲМАТОВ суҳбатлашди.

«ВАЗНИ ОҒИР» ТАШМАЧИЛАР

ЖАМИЯТ мулкчилигига хўжасизларча муносабатда бўлишнинг илдизи нимада? Назаримда, шу пайтгача амал қилиб келган принциплар. Ҳамма нарсани ўзимизники, деб кериладик. Аслида эса ўша «ўзимизники» бўлган ҳамма нарсанинг ҳеч кимники эмаслигини тан олгимиз келмасди. Шу сабаб ташмачилар ҳаракати тобора авж олиб бораёт

кетишга уриниб кўрди. Умумий баҳоси бир ярим минг сўмлик бу маҳсулотни транспортга ортилган селитрали қоплар остига яширишди. Аммо милиция сержанти Н. Қаршиев, оддий милиционерлар А. Ҳамроев, Э. Чунгаловлар унинг режасини чиппака чиқардилар.

Кўпгина корхона, муассаса ва ташкилот раҳбарлари ўз жамоалари ўртасида тарбия масаласига етарлича аҳамият бермаптиларки, бу ҳам ўз навбатида ташмачилик ҳаракати тегирмонига сув қуяпти. Мисол учун шу пайтгача Тошкент тама-

эса жиноий иш қўзғатилган. Шуниси ажабланарлики, фабрика маъмурияти бундан тўғри хулоса чиқариб, хушёрликни оширгани йўқ ҳа-нузгача.

Яна бошқа мисол. «Қўриқлаш» бирлашмаси навбатчилик қисмига тушган маълумотларга кўра, Жомбой тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими инспектори А. Жалилов ва М. Азизовлар катта участка вакили* Маматқулов билан биргаликда гўшт комбинатидан чиқиб кетаётган «ВАЗ-2106» белгили машинани текшириб кўришди. 200 ки-

ганини кўриб-билиб турсак-да, иложсиз эдик.

Хўш, бугунги кунда «ўз мулки»ни талон-торож қилувчилар фаолияти ҳақида нималар дейиш мумкин?

Жумҳурият ИИБ ҳузуридаги «Қўриқлаш» бирлашмаси бўлим бошлиғи, милиция подполковниги Э. Каримовдан ана шу саволга жавоб беришини сурадим.

кетаётган экан.

Табиийки, биз бу каби ҳамма қаллобликларни очиб ташлаш имкониятига эга эмасмиз. Корхоналарда хом-ашё ва материаллар сарфланиши, уларни талон-торож қилувчилардан ҳимоя этиш юзасидан назоратни кучайтириш муаммони ҳал этишнинг бирдан-бир йўлидир. Бизга қолса, бу ишга лавозими юқори шахслар

ЖҚ

ТУПРОҚҚА БИТИЛГАН РАҚАМ

— Сизларни Бешкент шаҳри касалхонасидан безовта қилаймиз, — деди симдан келган овоз. — Нишон туманига қарашли Жалажин қишлоғидан бир қарияни машина уриб юборган, оғир аҳволда ётибди. Ким олиб келиб ташлаб кетганлиги ҳам номаълум. Ҳаёти хавф остида.

Навбатчи телефонограммани ёзиб олди-ю, бошлиқ ҳузурига югурди. Оператив гуруҳ тузилди. Бу сафар раҳбарликни ички ишлар бўлимининг бошлиғи милиция подполковниги Омонгелди Туропов ўз зиммасига олди.

Қария билан суҳбатлашнинг иложи бўлмади. У аллақачон бандаликни бажо келтирганди.

Хўш, энди нима қилиш керак?

Биринчи навбатда қария яшайдиган Жалажин қишлоғидан жиноят изини қидиришга келишиб олинди. Дастлабки уриниш натижа бермади. Кўча-кўйда учраганлар ҳам, автоҳалокат туфайли қазо қилган 68 яшар Шомурод бобо Муродовнинг қариндошлари ҳам ҳеч нарсани билмасликларини айтишди.

Иккинчи кунги оператив гуруҳ йиғилишида ҳар бир ходимга аниқ топшириқлар берилди. Кўча ва хонадонлар тақсимланди.

Куннинг иккинчи ярмида участка вакили Йўлдош Нурбобоев дастлабки хабарни етказди: автоҳалокатни қайсидир келинчақ кўрганмиш...

Тезкор гуруҳ, «Аварияни келиним: «кўргандай бўлудим, деяпти», — деган қариянинг уйига борди. Келинчақнинг ўз кўргазмаси керак эди.

— Кўча суиравётгандим, — деди у. Бехос бир енгил машина Шомурод бобонини уриб юборганига кўзим тушди. Сўнгра икки киши тушиб, чолни кўтариб машинага ортишдику жўнаб кетишди. Аввалига ҳайрон қолдим. Нима қилишимни билмасдим. Машина кетиб борарди. Қўлимдаги сукурғидан битта чўпчасини синдириб олдимда, машинанинг рақамини йўлдаги тупроққа ёзиб қўйдим. Кейин кечкурун қайнотамга шу ҳақда оғиз очдим... Агар ўчиб кетмаган бўлса, тургандир.

Дилфузадан бу гапни эшитишди-ю

милиционерлар кўчага югуришди. Хайрият, гарчи тупроқнинг устини шамол учирган бўлса-да, ерга ўйиб ёзилгани учун рақамлар сақланиб қолган экан. Уларга эса шу керак эди...

Дилфуза ўз синчковлиги, хушёрлиги, воқеа-ҳодисаларга бефарқ қарамаслиги сабабли калаванинг учини топиб берди. Аммо ўша машинани қидириб топиш бир ҳафтага чўзилди. Қилинчиларини яшириб «қўён» бўлганлар кимлар эди? Изқуварларни ҳам, жалажинликларни ҳам қизиқтирган савол шу эди. Вилоят ички ишлар бошқармасига қарашли Давлат автомобиль назорати бўлиmidан рақамлар рўйхати олинди. Машина Деҳқонобод туманига қарашли Торқоччиғай қишлоғида фуқарога тегишли экан. Изқуварлар тоғли, қор босган Торқоччиғайга жўнашди. Икки кунлик овозагарчиликдан сўнг машина эгаси қидириб топилди. Аммо у ўз машинасини ишонч қоғози орқали бир неча йил олдин Нишон туманига қарашли «Оқ олтин» давлат хўжалигида истиқомат қилувчи қариндошига бериб юборган экан. Изқуварлар Деҳқонободдан Нишонга қайтишди. Яна бир кун ўтди. «Оқ олтин» давлат хўжалигида бўлган милиционерларнинг яна тарвузлари қўлтиқларидан тушди. Чунки у киши машинани Шахрисабз туманида яшовчи Нормурод Сатторов деган одамга сотиб юборганлигини айтди. Эртаси кунни саҳарда Шахрисабзга жўнашди. Хуллас, бир неча кунлик қидирув, тезкор ҳаракат, суриштирув натижасида изқуварлар ўз мақсадларига эришишди. 11-84 КФЕ давлат рақамли «Москвич-412» машинаси топилиб, унинг эгаси Нормурод Сатторов анча тайсаллашлар билан ўз қилиминини бўйига олди.

Жиноят ишини очинида кўмак берган ақлли ва синчков келинчақ Дилфуза Шерғозиева ички ишлар бўлими раҳбарияти ёдидан чиқмади. Одамийлик кўрсатгани учун уни 8-март билан табриклашди. Ҳатто, она аъзоларига ҳам ташаккурнома билдирилди.

Жалол ЯХШИБОВЕВ,
журналист.

ТХ

ЎТМИШНИ БИЛМАГАН
ЎЗЛИгини АНГЛАМАЙДИ

Бизнинг хизматимизга «НКВД» пайтларидаёқ асос солинган бўлиб, бунга ички ишлар тизимидаги хизматнинг ўзига хослиги асосий туртки бўлганди. Аммо дастлабки пайтларда тиббий санитария қисмлари икки-учта хонадан иборат мослаштирилган биноларда жойлаштирилганди. Бу ерларда атиги икки-уч нафаргина шифокорлар ишлашарди.

1938-1940 йилларга келиб, Тошкентда иккита поликлиника ва ички ишлар халқ комиссарлиги вилоят бошқармаларининг колония ва лагерлардаги тиббий қисмлари очилди. Секин-асталик билан бўлсада, даволаш-профилактик муассасалар моддий-техника базаси мустаҳкамлана борди. Айни пайтда бу хизмат жумҳуриятда соғлиқни сақлашнинг муайян қисми сифатида шаклланиб, мутахассислар илмий изланишларни амалиётга татиқ этишга қаттиқ киришдилар.

Эллигинчи йилларнинг бошланиши эса тармоқ соғлиқни сақлаш хизматининг янада ривожланиш даври бўлиб қолди. Ҳар бир вилоятда санэпидстанция, ҳарбий врачлик комиссиялари ходимларга хизмат кўрсата бошлади. Бир қатор вилоятлар ИИБлари шифоконларни, ИИБ марказий госпитали фаолият кўрсатишга киришди.

Бугунги кунга келиб эса даволаш-профилактик муассасаларимизда тўрт нафар тиббиёт фанлари номзодлари, боти нафар жумҳуриятда хизмат кўрсатган шифокорлар, 12 нафар олий ва 57 нафар биринчи даражали врачлар меҳнат қилишмоқда. Тўғрироғи, ички ишлар шахсий таркибининг тўрт муҳаси соғ бўлиши учун жон куйдиришмоқда. Г. Маҳкамов, Р. Холматов, Л. Цессарский,

Р. Иноятов сингари ҳамкасбларимиз эса бемор-ходимлар дардига малҳам қўйиш билан бирга тармоқ тиббий хизматини такомиллаштиришга ҳам катта улуш қўшдилар.

Энди асосий муддаога кўчсак. Ўзбекистон соғлиқни сақлаш музейи 1973 йилдан бери фаолият кўрсатапти. Ундаги экспонатлар билан танишган одам оқ ҳаётли шифокорларимизнинг кечаги кунини ва бугунги ҳаёти билан яқиндан танишади, эл соғлиғи ишончли қўлларда эканлигига имон келтиради. Шу ерда савол туғилиши табиий. Бизнинг тармоқ ҳақида нима дейиш мумкин?

Ўзбекистон Жумҳурияти ИИБ тиббиёт бошқармаси факрийлар кенгаши билан ҳамкорликда «вазирлик поликлиникасида ана шундай музей ташкил этиш режасини тузмокда. Агар бу ишни муваффақият билан амалга оширсак, ўтган йиллардаги фаолиятимизни қайта тириктирган бўлур эдик. Мақсадимиз шундан иборатки, ИИБ тиббий хизматининг дастлабки кунидан бошлаб, шу кунгача кечган ҳаёти биз тўплайдиган ҳужжатларда, сурат ва диаграммаларда акс этиши керак. Бу ҳаракатимиз ёш мутахассисларни тарбиялашда ҳам жуда асқотади, деб ўйлаймиз.

Шу боис тиббиёт хизмати ва ИИБлар факрийларига муурожаат қилмоқчиман: агар сизда тармоқ соғлиқни сақлаш хизмати тикланишига оид хотиралар, ҳужжатлар, суратлар бўлса, тиббиёт бошқармасига учрашишингизни ёки бу ҳақда 397-575, 397-424 рақамли телефонлар орқали муурожаат қилишингизни сўраймиз.

Суннат ТОЛИПОВ,
ИИБ Тиббиёт бошқармаси бошлиғи.

Сиз кутман, кутмаган хабарлар

ОМАД КУЛИБ
БОҚМАДИ

Кеч соат ўнларда Наманган вилояти Учкўрғон тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими ходими, милиция сержанти Э. Қорабоев муҳофазадаги объектларни айланиб юрганди. Ногоҳ қўй етаклаб кетаётган кимсани кўриб қолди. Кейин эса милиционернинг саволларига қоникчарли жавоб беролмагани учун ўша кимса ИИБга олиб келинди. Дастлабки суриштирувлар чоғидаёқ у ҳеч қаерда ишламайдиган Н. Ш. эканлиги, бир бечорага тегишли қўйнинг ноқонуний эгаси бўлишга аҳд қилганлиги маълум бўлди. Н. Ш. терговчига, қўй эса ҳақиқий эгасига топширилди.

«РЕКОРД»

Бухоро вилоятидаги Свердлов туманида жойлашган «Ўзбекистон» жамоа ҳўжалиги 14-бригадаси ҳудудида яшовчи уч йигит туман миқёсида «Гиннеснинг рекордлар китоби» қаҳрамонлари бўлишни орзу қилишган экан. Орзун амалга ошириш мақ-

садида Маханкўл давлат ҳўжалигининг Янгибозор қишлоғига йўл олишди. Шу давлат ҳўжалиги ишчилари Ж. Ҳамроев, Р. Ашуров, А. Давроновларга тегишли 68 бош қўйни бир йўла ҳеч кимга сездирмай ҳайдаб кетишди.

Ана шу жиноятни очиш юзасидан оператив гуруҳ тузилди ва унга туман ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими бошлиғи, милиция майори Б. Ҳотамов ҳам киритилди. Қўрилган чоралар туфайли «рекорд»чилар 36 соат ичида қўлга олинди, юзлари шувит бўлди.

ИШТАҲАСИ
КАРНАЙ ЭДИ

Тўғоннинг бошида ташна бўлиб ўтириш — ақлли одамга мутлақо ярашмайди. Ҳалоллик, виждон деган нарсалар эса мавҳум тушунча, улар билан ҳеч қачон қорин тўйиб қолмайди.

Бекобод гўшт маҳсулотлари корхонаси ишчиси А. И. ҳудди шундай фикрда эди. Шу боис ўз корхонасида тайёрланаётган маҳсулотлардан «ўз ҳақини» ажратиб олмоқчи бўлди. Молнинг 33 килограмм гўшти, 11 килограмм ёғи ва 2 килограмм жигарини яширинча олиб чиқиб ке-

таётганда, шаҳар ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими ходимлари, милиция сержантлари М. Отахонов ва Қ. Каримовларга дуч келди.

АНТИҲА
МУСОБАҚА

Жомбой туманида гўшт комбинати бор. У ердаги айрим ишчилар ғалати мусобақа ўтказишаркан. Беллашув талаби яқкаю-ягона — ким корхонадан кўпроқ маҳсулот ўмаради!

Бу гал қонунга хилоф ўйин иштирокчилари музхона ишчилари Х. Б. ва А. Б. ўн килодан гўшт қўлтиқлашди. Аммо корхона дарвозасига яқинлашганларида қўлга тушдилар ва ўйинда бой бердилар.

Автомашинасига 200 килограмм гўшт маҳсулотларини ортган М. А. мусобақа голиблигига муносиб даъвогар эди. Аммо Жомбой тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими ходимлари аралашуви туфайли беш дақиқаси кам муваффақият йўққа чиқди.

Р. элшодов.
милиция майори.

СИГАРЕТА УЧУН... ҚОТИЛЛИК

Шу йилнинг 3 апрелига ўтар кечаси Уйчи тумани Еркатой қишлоқ кенгаши ҳудудида яшовчи Т. Бурҳоновнинг ўлдирилгани ҳақида хабар олинди. Аёл 68 ёшда бўлиб, уйи ёнида қурт, писта сотиб, тирикчилик қиларди. 22 ёшли кичик ўғли билан бирга турарди. Ўша кунни ўғли кечки сменада ишда эди. Эрталаб соат еттиларда уйига қайтса, останада ётган онасининг мурдасига дуч келибди.

Туман ИИБ ва прокуратура ходимларининг машаққатли меҳнатлари туфайли қотиллик фош этилди. Қотил шу қишлоқлик экан. Аниқланишича, қария кейинги вақтларда ўғлини уйлантириш мақсадида сигареталар сотиб, ул-бул орттирмақчи бўлган экан.

Машҳум кунда ҳам қотил сигарета олиш учун уйга кирган.

Ҳозир тергов кетмоқда. Қолгани судда ошкор бўлади. Туман ИИБ ушбу жиноятни очинида фаол иштирок этган барча фуқароларга миннатдорчилик изҳор этади.

О. САЙДАЗИМОВ,

Уйчи тумани ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги.

«БҮРИ»ЛАР ЧҲПОН БҮЛГАЧ...

1971 йилда туғилган Т. Жўрабоев, 1973 йилда туғилган А. Қоринов, 1976 йилда туғилган А. Мамадалиевлар ўтган йил 4 ноябрь кунни ўзаро тил бириктириб, А. Султоновнинг бир бош қўйини ўмаришди. 7 ноябрь кунни эса ўзларини қўй оғзидан чўп олмаган қилиб кўрсатиб, чўпон С. Абдуваҳобовнинг олдига келишди.

— Бизни ўзингизга ёрдамчи қилиб олсангиз, — дейишди.

Бу таклиф чўпонга мойдек ёқиб тушди. Бутун бошли отарни уларга ишониб, ўзи қайқақадир кетди. Чўлиқлар эса уч бош қўйни кимгадир пуллашдида, қайтиб бу ерда қораларини кўрсатмадилар.

Шу йил 24 март кунни Қува тумани халқ суди ўз мажлисида ана шу ишни кўриб чиқди. Т. Жўрабоевни 3 йилга 6 ойга, А. Қориновни 3 йилга, А. Мамадалиевни ҳам шунча муддатга озодликдан маҳрум этиш ҳақида ҳукм чиқарди. Аммо А. Мамадалиевга нисбатан ЖМнинг 44-моддаси 1-қисми қўлланилиб, ҳукм ижроси икки йилга кечиктирилди.

А. АБСАЙТОВ,

Р. РАҲИМОВ.

Қува тумани ИИБ ходимлари.

«СССР Ички ишлар вазирлиги қўшинларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган қўшилмалари, алоҳида қисмлари ва бўлинмалари Ўзбекистон Республикасининг юрисдикциясига олинсин...»

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. Каримовнинг 1992 йил 10 январь кунги
Фармонидан.

— Собир Сотимбекович, сизларда ҳам кадрлар қў-

нимсизлиги борми ва шундай бўлса жиддийми? Бунинг устига ички қўшинларнинг республика тасаруфига ўтиши ҳам ўзига хос хусусиятларга эга бўлса керак?

— Энг аввало шунини айтишим керакки, бу Ўзбекистон танлаган мустақиллик йўли учун ҳосдир. Агар илгариги иттифоқ даражасида қабул қилинган қонунлар республика Конституциясига зид келмаса, ўз кучини сақлаб қолаверади. Мен умумий ҳарбий мажбурият тўғрисидаги Қонун, офицерлар таркиби, прапоршиклар, муддатдан ташқари қақрилганларнинг ҳарбий хизматни ўташлари ҳақидаги низомга татбиқан гапиряпман. Офицерлар таркибининг қайтадан қасамёд қилиши хусусидаги масала эса МДХга аъзо бўлган бошқа давлатлардагидан фарқли ўлароқ кун тартибда тургани йўқ ва турмайди ҳам. Офицерларнинг бир қисми Фармондан сўнг бошқа минтақаларга, асосан ўз юрталарига кетиб қолишди. Лекин мутлақ кўпчилик — 80 фоизи қолишди.

— Ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматга қақрилганлар хусусида нима дея оласиз? Зеро, баъзи мустақил республикаларда МДХ (мустақил давлатлар ҳамдўстлиги)нинг бошқа давлатларида хизмат қилаётган ўз фуқароларини қақриб олиш ҳақида қарорлар қабул қилинган.

— Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати томонидан МДХ таркибига кирмайдиган давлатлар ҳудудида ҳарбий

хизматни ўтаётган ўзбекистонликларни қақриб олиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Чунки, бу минтақаларда миллатлараро низолабга барҳам беришда армиядан фойдаланишга ҳаракат қилинган.

Бошқа республикалардан қақрилганлар масаласи эса мавжуд қонун асосида ечилишти. Яқинда Украинадан 24 нафар ҳарбий хизматчини қақриб олиш тўғрисида сўров талабнома келган эди. Биз бу талабни дарҳол қондирдик. Уларнинг ортидан яна ўн беш нафари ўз ихтиёри билан «жўнаб» қолдики, бу қочқилик деб аталувчи жиноятнинг ўзидир.

Озарбойжон Республикаси ҳарбий комиссариати талабига биноан ҳақиқий ҳарбий хизматдан бўшатилиши керак бўлган икки киши жўнаб кетди, бошқа икки нафар солдат эса

Бизнинг мусоҳаба

РЕСПУБЛИКА

кейтишни истамади. Ўзлари ўрганиб қолган шароитда хизматларини тугатишни илтимос қилишиб, ҳатто ялиниб-ёлворинди.

Дарвоқе, ўзларига кўрсатилаётган таъсирга қарамай ҳақиқий ҳарбий хизматни ўз қисмларида тугаллашни хоҳловчи солдатлар ҳақида кўплаб мисоллар келтиришим мумкин. Айтайлик, қандай йўл билан бўлмасин, ўғилларини олиб кетиш учун Россиядан ота-оналар келишди. У эса кетишни истамасди. «У ерда ким менга автомашинани ишониб бериб қўяди, — деган эди солдат. — Қандай шароитда хизмат қилишга тўғри келаркин, бормайман». Хулоса қилиб шунини айтмоқчи-ман: ким виждонан хизмат қилаётган бўлса, бўшатилгунга қадар ўзи қақрилган қисмда бўлиш истагига хиёнат этмайди.

— Республика Президентининг суҳбатимизда бир неча бор тилга олинган Фармони муносабати билан уларнинг вазифалари ўзгардимми?

— Сиз вазифалар ҳақида сўраяпсизми? Улар муҳим давлат объектларини, махсус юкларни, ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаларини қўриқлаш, ички ишлар, идоралари билан ҳамкорлик қилишдан иборат. Ҳудди шунингдек, улар оммавий сиёсий, спорт тадбирлари ўтказилаётганда, эпидемия ва эпизотия тарқалиши муносабати билан карантин шароитларида, худди шунингдек ёнғин, табий офатлар пайтида тартиб сақлашни таъ-

хизмат қилаётган давлат сиёсатини у ёки бу кўринишда амалга оширадилар.

Қўшинларга эса республиканинг хизмат ёшига етган фуқаролари жойлардаги ҳарбий комиссариатлар томонидан қақрилади.



Бунинг устига ички қўшинларга йигитларни танлаш ўзига хос принципга эгаки, энг аввало, қақрилувчи ҳар томондан текширилиши зарурдир. Ўйлайманки, ҳарбий комиссариатлар қақриув даврида бу ишга ўта масъулият билан қарайдилар.

— Яқинда Тошкентда шаҳар ҳудудида жойлашган қаттиқ режимли колониядан икки жиноятчи қочганлиги ҳақида миш-миш тарқалди. Бу нима, бўлинмангиз муҳофазасидаги колонияни қўриқлашни ташкил этишдаги камчиликими?

Шунини айтишим мумкин: жиноий иш қўзғалди, тергов олиб борилди. Айбдорлар Ўзбекистон Республикаси қонунлари бўйича жазоланадилар.

Афсуски, шахсий таркиб билан тарбиявий ишларни олиб боришдаги нуқ-

Тавба денгу ёқа ушлани

Шу йил 22 апрель куни «Тошкент оқшом» рўнома-сининг тўртинчи саҳифасида «Жиноятчилар қидирилмоқда» сарлавҳаси остида кичкина материал ҳамда қамоқхонадан қочишга муваффақ бўлган икки унсурнинг сурати берилди.

лиция қамоқхонадан қочган тажрибали жиноятчиларни энди тутолмаса керак», — деб тушқунликка тушиб-гандир. Аммо биз ана шу тушқунликлару ранжишлар асоссиз эканлигини билдириб қўймоқчимиз.

Азиз тошкентликлар! Но-

ОҚШОМДАГИ
АДАШИШ

Табиики, ҳозир юртдошларимиз жиноятчиликнинг тобора ўсиб бораётганини кўравериб, «Фалон жойда фалончини ўлдириб ёки отиб кетишибди!» қабилидаги миш-мишларни эшитавериб, маълум маънода талва-сага тушиб қолишган. Имомимиз комилки, ана шу хабарни ўқиган айрим муштарийлар юрагини даҳшат қоплаган. Эҳтимол «отнинг калласидек» маош олсада, маҳкумларни қўриқлашни «эполлмаётган» ахлоқ тузатиш ишлари ходимларидан ранжишгандир, эҳтимол «Ми-

хуш хабарни эсдан чиқаринг, хавотирланишнинг мутлақо кераги йўқ. Чиндан ҳам қамоқхонадан қочган икки жиноятчи — Сергей Домнушкин ва Николай Желябинлар «Тошкент оқшом»да эълон қилинмасдан роппа-роса бир ой муқаддам — 22 март куни Қўқон шаҳар ИИБ ходимлари томонидан қўлга олинган. Бунинг бизга Ўзбекистон Республикаси ИИБ ахлоқ тузатиш ишлари бошқармаси бошлиғи, ички хизмат подполковниги Э. Икромов маълум қилди.

сонлар шунақа оғир оқибатларга олиб келяпти. Ўзингиз ўйланг: ҳарбий хизматчи кеча-кундузнинг 16 соати мобайнида қамалганларнинг таъсирида бўлади. Шу билан бирга, бу сир эмас, солдатлар қамалганларга эмас, балки қамалганлар солдатларга кўпроқ таъсир ўтказадилар. Жиноятчилар олами мақтов, қўрқитиш, пора бериш кабиларни ишга солиб, ҳаёт аччиқ-чучугини татиманган ёшдаги солдатларнинг ҳис-туйғуларидан усталлик билан фойдаланадилар. Мен бундай жойларни шартнома асосида ишловчи профессионал кишилар қўриқлашни тарафдориман.

— Бу балки истиқболдаги нарсасидир. Ҳозир бунинг олдини олиш учун тарбиявий ишга қандай тузатишлар киритиш лозим бўлади?

— Республика тасарруфиди бўлиш ички қўшинлар жанговар тайёргарлигини ошириш учун қўшимча туртки берадими?

— Республика ИИБ раҳбарияти томонидан масалалар тезкорлик билан ҳал этилмоқда. Лавозимга тайинлаш, вазифасини ўзгартириш, навбатдаги унвонларни бериш билан боғлиқ жараёнлар анча соддалаштирилди. Масалан, илгари офицерга навбатдаги унвонни бериш масаласи тўрт босқичдан — полк — дивизия — ички қўшинларнинг Олмаотадаги Ўрта Осиё ва Қозғистон бўйича бошқармаси — СССР ИИБ ички қўшинлар бош бошқармасидан ўтиши керак эди. Буларнинг ҳаммасига 4-5 ой вақт кетарди. Ҳозир эса майоргача (бу унвон ҳам шулар жумласига ки-ради) бўлган унвонларни ички ишлар вазири ўрин-

У ўзига керакли нарсаларни қидириб, тумандаги барча дўжонларни кезиб чиқди. Ахтарган буюмларини топган кўни алламаҳалгача мижджа қоқмади. Бу ҳол яна анча кун давом этди.

1991 йилнинг 26 августида эса у нарсаларини йиғиштириб-да Ғаллаорол туманидан Бухоро сари йўл олди.

Шаҳарда яшовчи ўғай акиси Викторнинг уйига келди. Виктор Александрнинг таърифидан ҳайрон бўлган бўлса, унинг оқ матодан туғуню бўёқларидан яна бир ҳайратга тушди. Қизиқиши устулик қилди шекилли, сўради.

— Нимага бўёқ, қоғоз кў-

СОХТА ПУЛЛАР

тариб юрибсан? Рассомликни ҳавас қилдингми?

— Мен пул ясапман. Мана, тутундагиларни кўргин-а. Ўхшайдими? Бу бошланиши. Сенинг уйингда уни давом эттирмақчиман.

— Ўйлаб гапирясанми? Ахир бунинг учун қамашади-ку!

— Сен ҳеч кимга чурқ этмасанг, ҳеч ким қамашмайди.

Бироқ Виктор бундан отасини хабардор қилди. Ўғай ота аввал уни яхши гап билан қайтармоқчи бўлди. Ле-

кин насихат жанжалга, жанжал муштлашувга айланди. Ўғай ота уч маротаба қамалиб чиқсада, тавбасига таянмаган ўғилга насихат ҳайф эканлигини тушунди. Нонлож эртаси кўни Файзулла Хўжаев тумани ИИБга келиб, бор гапни айтди.

Тинтув вақтида Александр тайёрлаган 726 дона ўн сўмлик сохта пуллари чиқди.

Александр Елин шаҳар халқ судининг ҳукми билан 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

М. ИСРОИЛОВА.

ЯНГЛИШИБСИЗ, КОНТИКОВ!

Ҳозирги кунда республикамизда ишбилармонларнинг сон тобора кўпаймоқда. Айримлари миллион-миллион сўмлик фойда орттирмақдалар. Улар бу бойликларни тўғри йўл билан, ҳалоллиги, ишбилармонлиги туфайли топаётirlар.

Самарқанд шаҳрининг Са-ри-тепа даҳасида яшовчи Ру-

бен Контиков эса бир кечада миллионер бўлишни орзу қилиб қолди. Фуқаро А. Коневнинг янги «УАЗ-469» белгили машинасини ҳайдаб қочди. У машинани бир миллионга сотмоқчи бўлган. Аммо ўйи амалга ошмади. Милиция ходимлари Шавкат Ғуломов, Уроқ Тўхтаев, Ражаб Тоштемиров, Илҳом

Исақулов, Шерназар Аллаев, Олим Санаевлар сурбет хаёлпарастни бир кечада тутиб келтиришди.

Р. Контиков ЖМнинг 2092-1 моддасига кўра айбдор деб топилиди. Ушбу моддада 3 йилдан 7 йилгача озодликдан маҳрум қилиш кўзда тутилган. Контиковнинг тушунчаси бўйича эса машинани олиб қочган шахс бир йилгагина озодликдан мосуво қилинармиш.

Янглишибсиз, Контиков! И. ШУКУРОВ, Каттакўрғон шаҳар ИИБ ходими.

олади. Батальон командири эса 1800 сўм ойлик иш ҳақи билан чекланиб қолган. Масъулиятни эса савдо ходиминики билан таққослаб ҳам бўлмайди.

Сўхбатда алоҳида ажратиб кўрсатишга молик факт:

Ички қўшинлар формасидаги солдат, прапорщик, офицерларни армия гарнизони патрули таркибиди Тошкент кўчаларида тез-тез учратиш мумкин. Улар ҳарбий кучлар билан бир қаторда гарнизон хизматини бажарадилар.

Ўзаро ҳамкорлик, масалаларни ҳар икки томоннинг манфаатларини кўзлаб ҳал этиш табиийдек кўринади. Афсуски, Тошкентда жойлашган ички қўшинлар полкида бу борада аксинча фикр юзага келган. Бунинг ҳужжатлар билан тасдиқланувчи ўз сабаблари бор. Мана, ўзингиз хулоса чиқараверинг.

Тошкент гарнизони гауптвахтасининг бошлиғи капитан С. Аббосов томонидан имзоланган, шу ташкилот муҳри босилган ҳужжатдан қуйдагилар маълум бўлди: ички қўшинлар ҳарбий хизматчиси оддий солдат Ж. Т. Шеле-таев 1992 йил 21 февралдан 29 февралга қадар бошқа қисмда бўлгани ва шу қисм қозонидан оқатлангани учун икки юз йигирма олти сўм тўланган.

Офицер Э. С. Кон юқоридаги ҳужжатни шундай шарҳлайди.

— Айб қилиб қўйганларни гауптвахтага ўтказишнинг иложи бўлмай қолди. Бунинг учун пул талаб қилишмоқда.

Бугунги кунда ҳар бир киши пулини санашга мажбурлиги хусусида гап йўқ. Ноишлабчиқариш харажатларидан оддийгина қилиб-воз кечиб қўяқолишмоқда. Лекин юқоридаги воқеа ўз майда-чуйда манфаатларини биринчи ўринга қўйишга арзийдиган ҳолми? Бунинг ўрнига умумий ха-

рактерга эга бўлган гарнизон хизмати манфаатлари тўғрисида ўйлаш маъқулроқ эмасми? Бу ишда Тошкент гарнизони бошлиғига эмас, ички ишлар вазирига бўйсунувчи ички қўшинлар ўта фаол иштирок этмоқдаларку.

— Бунинг устига умумий муаммолар ҳам бўлса керак? Ушбу савол билан мен яна Ўзбекистон Республикаси ИИБ ички қўшинлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари С. С. Юнусметовга мурожаат қилдим.

— Ҳа, бор. Бу, энг аввало, қисмларни ўз ихтиёри билан ташлаб кетиш холлари кабиларга тааллуқлидир. Бундай воқеалар кўпинча ота-оналарнинг иштирокида рўй бермоқда. Улар ўз фарзандаларини ўйини сочинган болани пионер лагеридан олиб кетганлик етаклаб кетишади. Ҳар бир ҳолиса юзасидан текширув олиб борилади, жиноий иш қўзғатилади.

Бу эса ўз Конституцион бурчини бажаришдан бўйин товлашдан бошқа нарсаси эмас. Ушбу нарсани ҳарбий хизматга қақирилувчи ҳар бир ўспирин яхши англаб олиши учун умумтаълим мактабларига, профессионал-техника билим юртларида, меҳнат жамоаларида, ҳарбий комиссариатларга тегишли иш олиб борилиши керак. Республика фуқароларининг ҳуқуқлари ва эркинлигини уларнинг ўзидан бошқа ким химоя қила олади? Бу масалага эътиборни кучайтириш зарур.

Масалани бу тарада қўйиш шунинг учун ҳам муҳимки, май ойида ички қўшинларга биринчи маротаба фақат Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қақирилади.

Сўхбатдош
К. СЕРГЕЕВ.

ТАСАРРУФИДА

— Шахсий таркибга тарбиявий таъсир ўтказишда масалага атрофлича ёндашиш, ҳарбий, ҳуқуқий, эстетик жиҳатларни қўшиб олиб бориш, бунда ҳар қил усул ва услублардан фойдаланиш лозим. Тарбиявий ишда ахлоқ тузатиш ишлари бошқармаси ходимлари ҳам иштирок этишлари зарур. Масалан, колонияларда сақланувчиларнинг ўзига хос хусусиятлари — мақтов, қўрқитиш, пора каби нарсаларга қарши доимо тайёр туриш зарурлиги ҳақидаги масалаларни ҳарбий хизматчилар диққат-эътиборига улардан бошқа ким етказиши мумкин?

Хизмат қандай бажарилаётганини текширувчи офицерларимиз ҳам, айтилик, солдат постда ўзини қандай ҳис этади, деган саволга муфассал жавоб олишлари фойдадан холи эмас.

босари — ички қўшинлар бошқармасининг бошлиғи, подполковник ва полковник унвонларини республика ички ишлар вазири бераверади.

Қисм командирларининг ҳуқуқлари кенгайтирилди. Полк командири рота командиригача (бу лавозим ҳам шулар жумласига ки-ради) бўлган лавозимларга офицерларни ўзи тайинлайверади. Илгари бу Ўрта Осиё ва Қозғистон ички қўшинлари бошқармаси бошлиғининг ихтиёрида эди. Батальон командири, бригада командирининг ўринбосаригача бўлган лавозимларга кадрларни Республика ИИБ ички қўшинлар бошқармасининг бошлиғи тайинлайди.

Полк командирига старшинагача бўлган унвонларни бериш ҳамда унвонини пасайтириш ҳуқуқи берил-

у республика ички қўшинларининг барча қисмларини таъминлаган бўлур эди. Бу борада Тошкент вилояти ҳокимиятининг қарори бор.

Юқори идораларда функционал вазифалар қайта кўриб чиқилмоқда. Қисмлардаги штат тизими чуқур ўрганилди: лавозим бўйича унвонлар оширилди. Масалан, полк командирининг муҳим давлат объектларини қўриқлаш бўйича ўринбосарининг унвони эндиликда полковник, батальон командири ҳам шундай.

Иш ҳақига тегишли қўшимча тўловлар масаласи ҳам ҳал этилмоқда. Мубо-ракда ишлаётган фуқаролар учун у 55,4, Бессопанда 70 фоизни ташкил этишига нима дейсиз? Оқибатда фалон соатдан фалон соатгача ишлайдиган сотувчи 2000 сўм атрофида маош

Нуктаи назар

Гапнинг тўғриси айтсам, республика ИИБнинг «Ўзбекистон» деб номланган дам олиш маскани борлигини билардим. Аммо бирор марта ҳам кўрмагандим. Яқинда тасодифан ўша ерда бўлдим.

Жаъми ўттиз гектар майдонни эгаллаган сўлим гўша. Тўғриси боғ-бўстон деса ҳам бўлади. Олма, ўрик, беҳи — қисқаси мевали дарахтларнинг исталган туридан бор. Шахмат усулида қурилган, плита тўшалган йўлакларнинг ҳар икки томонида эса гуллар. Айтишларича бу дарахтлар гуллар кўчатларини Шредер номли боғдорчилик илмий текшириш институтидан келтиришган. Яна бир неча мuddат ўтгач, дарахтлар мева тугиб, гуллар қийғос очиладики, бу ернинг беҳишдан фарқи қолмайди ҳисоб. Ҳар ҳолда менинг хаёлимдан шундай фикр ўтди.

Дам олиш маскани бошлиғи, милиция майори Ғайрат ака Ортиқов ҳамроҳим эди.

— Бу ерга 1989 йилда ишга келгандим, — дейди у дам олувчилар учун қурилган бинолар сари бошларкан. — Яна мақтаняпти деб ўйламанг, келганимда деярли ҳаммаёқ қамишзор эди. Жамоамиз билан қаттиқ меҳнат қилдик. Кўриб турганингиздек...

Ҳа, унинг гапларига эътироз билдиришнинг иложи йўқ эди. Қимматбаҳо мебеллар билан жиҳозланган, рангли телевизор музлаткичларга эга, чўғдек гиламлар тўшалган дам олиш хоналарини таърифлаб ўтир-

майдан. Энг олий даражадаги меҳмонхона шаронглари кўз олдингизга келтираринг. Бундан ташқари миллий чойхона бор. Бешолти киши тўпланиб, бир чўқим ош қилиб гурунглашиш мумкин. Худди шунингдек, дид билан барпо этилган ошхона, кино ва концерт заллари, биллиардхона, сауна, кутубхона... Хоҳласангиз, спорт майдончаларида волейбол, футбол ёки бадминтон ўйнашингиз мумкин. Қисқаси таътил пайтида милиция ходими ма-

тарқатишга панжа орасидан қарамоқдалар. Тўғриси айтганда, ҳамон эски иш услубидан воз кеча олмаймиз. Милиция идоралари раҳбарияти ходимлардан фақат иш талаб қилишади. Худди темир одамга — роботга қарагандай муносабатда бўлишади.

Фуқаро авиациясида бир тартиб бор: агар ходим таътил пайтида курорт ёки санаторийда ҳордиқ чиқармаса, отпускани тугагандан кейин ҳам ишга қўйилмас экан. Инсонга ана шундай

мингтадан зиёд ходимдан иборат жамоа орасида 10-29 апрель кунлари ҳордиқ чиқаришни истовчилар топилмаган?

Ички қўшинлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Г. Подвигин эса 3 апрель кунини 40 донга йўллангани дам олиш масканида бошқоронғи эмасми, дегандек бирваракайига жўнатиб юборган. Бу кесатигимиз унга эҳтимол оғир ботар. Аммо ўша йўлланмаларни таҳлил этиш жараёнида шунга журъат этдик. Қарангки,

ёш-яланглар бебошликлари-дан ҳимоя қилинган бўларди. Биттагина «ПАЗИК» бор, шунини «Икарус»га алмаштириш зарур. Чунки дам олувчилар учун шаҳар бўйлаб ва шаҳар ортига саёхатлар уюштириш ҳам дастуриимизда бор. Қолаверса, алоқа масаласини тезроқ ҳал этмоқ зарур. Ҳатто маъмуриятда ҳам бирорта шаҳар телефони йўқ. Ваҳоланки, дам олувчилар олисда қолган оила аъзолари ҳолидан хабардор бўлиб туриш учун шаҳарлараро телефонга эҳтиёж сезади.

Ишонамизки, вазирлигимиз раҳбарлари ИИБ юзи, обрўини бўлган, ходимларнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшадиган дам олиш масканига эътиборни кучайтирадилар.

Хўжалик бўлимлари раҳбарлари столи тортмасида чанг босиб ётган йўлланмалардан беҳабар қолган ходимларга эса тўппа-тўғри келаверишни маслаҳат беримиз. Бу масалани шу ернинг ўзида ҳам ҳал этиш мумкин.

Бир пайтлар халқ орасида «Пулинг бўлса халтада, дам оласан Ялтада» деган ҳазиломуз гаплар юрарди. Энди эса кўп ҳолларда у ёқларга бориш учун катта пулнинг ўзигина етарли эмас. Бутунлай бошқа, алоҳида давлат ҳудудида яшаймиз. Тошкентга келиб, «Коммунистик» автобекатидан 169, «Келес» автобекатидан эса 479-автобусларга ўтирсангиз бўлди. Орадан кўп ўтмай Ялтадан қолишмайдиган «Ўзбекистон» дам олиш масканида бўласиз.

Раҳмон АЛИ.

ДАМ ОЛИШНИ БИЛИШ КЕРАК

даний ҳордиқ чиқариш жараёнида нимагаки эҳтиёж сезса, ҳаммасининг иложи бор.

— Сизларда дам олиш учун битта йўлланма баҳоси қанча? — сўрайман Ғайрат акадан.

— 20 кунлиги 1 минг 800, 10 кунлиги эса тенг ярни — 900 сўм.

— Мавсумда қанча одам қабул қиласизлар?

— 150 нафар.

— Қизиқ, нега унда хизматчиларингиздан бошқа ҳеч ким кўринмайди?

Ана шу савол билан бошлиқни, фақат унинггина эмас, бутун жамоани ташвишлантираётган муаммага тегиб кетганимни сезмай қолибман.

— Ҳамма касаллик шунда! — дейди суҳбатдошим жигибийрон бўлиб. — Вилоят ИИБларининг хўжалик бўлимлари йўлланмаларни

муомалада бўлиш керак. Ўзингиз ўйлаб кўринг, йил давомида жиноятчининг ортидан чопавериб тинкаси қурган милиционер шу ерда ўн кунгина ҳордиқ чиқарса, хизмат ташвишларини вақтинчалик бўлсада унутса, қандай яхши!

Унинг қуйинганича бор экан. Кабинетига бошлаб, ҳеч қайси милиционер «истамаган»лиги учун қайтариб юборилган даста-даста йўлланмаларни кўрсатди. Фарғона вилояти ИИБ хўжалик бўлими бошлиғи ўринбосари К. Раҳимов, Андижон вилояти ИИБ хўжалик бўлими бошлиғи Р. Мадраҳимов, Самарқанд вилояти ИИБ хўжалик бўлими бошлиғи Э. Хамидов, Хоразм вилояти ИИБ бошлиғи ўринбосари В. Лесних ўртоқлар ети-тўққизтадан йўлланмани бирваракайига қайтаришибди. Наҳотки ўрта ҳисобда 2

уларнинг ўнтаси 30 апрелдан 9 майгача, ўнтаси 10 апрелдан 29 апрелгача, ўнтаси 29 майдан 8 июнгача, яна ўнтаси эса 9 июндан 28 июнгача маза қилиб ҳордиқ чиқариш имконини берарди. Ишончимиз комилки, ўртоқ Подвигин бирорта ходимдан сўраб ҳам ўтирмай керак эмас, деган қарорга келган.

— Шу пайтгача ёрдамчи хўжалик ташкил этиб, чўча ва товуқ боқиб ва шунга ўхшаш йўллар билан даромад қилиб, масканини шу ҳолига келтирдик, — дейди суҳбатдошим. — Тўғриси, ўтган йиллар давомида катта маблағ сарфланди. Яна озгина ҳаракат ва харажат қилинса, кўплаб қулайлик ва имкониятларга эга бўлинарди. Ҳозир 30 гектарли майдонда биттагина қоровул бор. Агар тўртта милиционер ажратилса, четдаги маҳаллий

ди. Аммо шу фалокатлар туфайли 8 нафар бола бевақт ҳаётдан кўз юмганки, бу ўта аянчли, ўтган йилгидан икки ҳисса кўп. Қолаверса, шу туфайли саккиз хонадонга қайғу кириб борган, қалблар бир умрга яраланган.

Бир қатор саволлар туғилади. Ана шундай кўнгилсизликларнинг олдини олиш мумкинми? Бунинг учун ДАН ходимлари нима қилиши керак эди?

Бу кўргуликлар ҳар биримизнинг — ота-оналар, ўқитувчилар, кўча-кўйдаги йўловчиларнинг бефарқликларини натижасидир. Айниқса, виждонан тан олинмаган бўлинса, ДАН ходимлари ҳам бу воқеалар қарши-сида ўзларини оппоқ ҳисоблай олмайдилар.

Чунки ҳеч кимга сир эмас, ДАНнинг барча ходимлари камида ойда бир марта ўзига бириктирилган боғча мактаб ва бошқа муассасаларга бориши, ўқувчи ва тарбияланувчиларга йўл ҳаракати қондаларини ўргатиш усулини назорат қилиши, бу борада муаллимларга ва тарбиячиларга амалий ёрдам бериши лозим. Аммо муаммо шу ердан бошланади. Хўш, ДАН инспектори ўша жойларга қачон боргани маъқул, иш пайтидами ёки дам олиш вақти ҳисобиданми? Бориники, бўлинма бошлиғи ёки бошқа бевосита раҳбар иш пайтида боришига рухсат берди ҳам дейлик. Аммо у бошқа ишларидан соқит этилди, деган маънони билдирмайди. Шу боис инспектор шошилади, иложи борича қўлидаги йўлланмага мактаб муҳрини бостириб олишни ўйлайди, болалар билан суҳбатлар уюштиришни эмас. Ҳар хил ўйинлар ташкил этиш ва шу аснода болалар билимини синсвдан ўтказиш, ўқитувчиларга амалий кўмак ва маслаҳатлар бериш эса ҳаёлига ҳам келмайди. Чунки бошлиғи эртаси кунини

боғча ёки мактабга юборганлигини тан олмайди, бошқа топшириқлар юзасидан ахборот беришини талаб қилади.

Қолаверса, бир гуруҳ болалар орасида уларга йўл ҳаракати қондасини ўргатиш нафақат милиция сержантининг, балки унвони юқори офицернинг қўлидан келиши ҳам қийин. Йўқ, мен бу ерда ДАН ходимлари билими кам, савияси паст демоқчи эмасман. Бу соҳада ўз ишнинг устаси бўлиб кетган ҳамкасбларим жуда кўп. Аммо уларда ёш болаларни ўзига оғдириб ола билиш қобилияти бўлмаслиги мумкин. Бу хусусият муаллимлар тайёрлаш олий билимгоҳларини битирганларда ҳам бўлавермайди кўпинча.

Демак, кўриниб турибдики, бу ерда иш хўжакурсинга ташкил этилади. Болаларга йўл ҳаракати қондаларини ўргатиш номигагина эканлигини ўша ерга борган ДАН ходими дарҳол сезади, аммо индамайди. ДАН ходимидаги бу келишувчанликни унинг бошлиқлари ҳам сезади, аммо улар ҳам миқ этишмайди. Бу муносабатлар турғунлик йилларидаги «қўшиб ёзиш»ларни эслатади маълум маънода. Аммо шундай бўлсада, қорозда ҳамма нарсани бениқсон қилиб кўрсатиб қўямиз. Амалдагиси ҳеч кимни қизиқтирмайди.

Мен ҳайрон қоламан. Бир пайтлар Ўзбекистоннинг қайси шаҳрига борманг: «Ҳамма яхши нарсалар болаларга!» — деган алвон шиорга кўзингиз тўшарди. Ҳозир эса бу ёзув кўринмай қолди. Нимага? Энди ҳамма яхши нарсалар болаларга эмас, бировларгами? Шу ишга мутасаддилардан сўрасангиз, синиқ илжайиб, рад этишади: «Йўқ, нега энди!»

Аммо аччиқ бўлса ҳам бир нарсани айтиб ўтай, бозор иқтисодиёти дедик,

тақчиллик, қимматчилик дедик, пул кетидан қувишга ружу қўйдик. Ҳатто энг олий бойлигимиз, келажакимиз бўлмиш болаларни ҳам унутдик. Шу ўринда баъзилар каминга эътироз билдиришар, жуда ошириб юбордингиз, деб. Ҳеч-да, акс ҳолда уларнинг саломатлигини биринчи даражали деб билардик-да.

Ўзбекистон пойтахтидек катта шаҳарда бошқа иш-ни йиғиштириб қўйиб, фақат болалар автоҳалокатининг олдини олиш билан биттагина ходим шуғулланармиди?! Ваҳоланки, Тошкентда 304 та мактаб, 750 дан ортиқ болалар боғчалари мавжуд. Ҳар хил интернатлару музика мактабларини, 16 ёшгача бўлган болалар тарбияланадиган махсус ўқув юрталарини бу ҳисобга киритганим йўқ ҳали. Энди ўша биттагина одам шунча жойга бир йилда икки марта бора оладими?

Аниқ таклифим қуйидагича: фақат шаҳар ИИБ ДАНБда эмас, балки туманлар ИИБ ДАНБларида бу соҳада амалий иш билан шуғулланадиган ходимлар сонини кўпайтириш даври келди. Ҳеч бўлмаса, бир туманда биттадан шундай ходим бўлсинки, у бошқа ишга жалб этилмай, болалар билан боғлиқ кўнгилсизликларнинг олдини олиш билан шуғуллансин. Уларни маблаг билан таъминлаш масаласида Самарқанд, Қашқадарё ва Тошкент вилоятлари тажрибасидан ўрганиш даркор. Ва шунини амалда қўллай билиш керак. Яна шу нарсани унутмаслик керакки, ҳозирги тақчиллик ўткинчи нарса, кўзимиз қиймаётган маблағ эса болалар саломатлигини олдида гоёт қадрсиз. Зеро, бош омон бўлса, дўппи топилаверади.

Рамзиддин МУҲИТДИНОВ, Тошкент шаҳар ИИБ ДАНБ ходими милиция катта лейтенанти.

ФАРЗАНД-ПАРИТИЗНИ

асрайлик



Эришган ютуқларни яхши-ёмонга ажратиш учун кўрсаткичларни аввалги йиллардагисига солиштиришга одатланганмиз. Бу сафар ҳам ўша анъанадан чекинмаймиз.

Утган икки ой давомида шахримизда болалар иш-

тирокида 65 марта йўл-транспорт ҳодисаси содир этилди. Бу 1991 йил январь, февраль ойларидагига нисбатан 16,7 фоизга кам демакдир. Жароҳатланганлар 57 нафар бўлиб, бу ўтган йилдагидан 26,9 фоиз озайганлигини кўрсата-

Ташвишлардан ташқари

БАХШЛАРИНИ БОР БЎЛСИН, ХАЛҚИМ!

Ўзбекистоннинг бир четида сўлим гўша бор. Унинг пурвиқор тоғлари, зилол сувлари, қўни-қўнжини мевага тўлдирган боғлари, жон бағишловчи булоқлари бор. Бу юрtnнг ҳавоси бўлак, осмони бўлак. Одамларнинг бағри кенг, забони ширин, меҳр-муҳаббатга лиммоним юраклари. Ажабмаски, шу гўзаллик, ўзгачалик халқ шоирлари — бахшларини бизга инъом қилган бўлса. Гўзалликдан яралган қалб бизларга асрлар давомида гўзаллик, поклик улашиб келаяпти.

Халқнинг «Авазхон», «Зулфизар билан Авазхон», «Кунтуғмиш», «Ошиқ Ғариб» ва «Шоҳсанам», «Нигор ва Замон», «Орзуғул», «Ёзи билан Зебо», «Эрвали ва Шерали» каби ўнлаб дурдоналари — дostonлари тилдан тилга кўчиб, сайқаллашиб, тош қотган қалбларни юмшатиб, нур улашиб яшаб келаяпти.

Бу юрт — Нарпайнинг бағрида Исом шоир Назар ўғлининг шоғирдлари — издошлари Ёдгор бахши Исоқов, Омон бобо Қосимов, марҳум Қилич бахши Шукурй, шоирнинг ўғли Зиёдулло бахши, Саъдулла бахши, Шавкат бахшилар етишиб чиққан.

Бугун Зиёдулло бахши Исомов таҳририятимиз меҳмони.

Бахши туман маданият бўлимининг ходими сифатида жамоа ҳўжалиги, давлат ҳўжалиги, мактабларда бўлиб туради. Айниқса, отасининг таваллуди нишонланадиган шу йилда у кишининг бирор дақиқа ҳам бўш вақтлари йўқ.

Зиёдулло бахши бир қанча дostonларни ёд билган ҳолда, айна дамда ўзи ҳам 50 га яқин терма тўқиган.

Унинг «Ўзбекистон», «Мақтабим», «Гулнора», «Ғайрат қилинг, дўстларим», «Баҳоримсан, дилбарим», «Теримчи қизга», «Фахрияларга» каби термалари шулар жумласидандир. Айна дамда бахши «Ҳамидхон» дostonи устида иш олиб бормоқда.

У туман, вилоят, жумҳуриятда ўтказилган қатор кўрик танловларининг совриндоридир. Бахшининг 7 ёшли ўғли Исомжон отасининг изидан бормоқда.

Зиёдулло бахшининг қатор термаларини тинглар эканман, кўнглимнинг кенг гўшаларида бир сўз жаранглади кўнгиноқ мисол: «Илоҳим, бахшларинг ўлмасин, бор бўлсин, халқим!»

ОИГУЛ.

ОТАЖОН

Ота, бугун ўглинг — шоғирд бор бўлди, Замонгинам шеърларимга ёр бўлди, Куйлаганинг — шу дёйрим, отажон, Боғи эрам каби чаманзор бўлди!

Ўлкам қадди Ҳимолойдан баланддир, Дўст-қардоши қўлламоққа алп-марддир, Шу юртимнинг тупроғини, отажон, Кўзга суртсам, тўтиёдай малҳамдир!

Норпойимнинг боғларидан бол олдим, Тоғларидан, гулларидан ол олдим,

Жон халқимнинг ўғитларин, отажон, Келажакнинг тоғларида кўролдим.

Ҳар соҳанинг кишилари куйимда, Қаҳрамонлар менинг орзу-ўйимда, Дўмбранинг қўлдан қўймай, отажон, Жўшиб-жўшиб куйлабман тўйингда!

Шоғирдларинг юртга ғамхўр, меҳрибон, Бошим силаб, бўлди менга соябон, Дилдан кетмай пандларингиз отажон, Қўллуқ айтар сизга бугун Зиёджон!

ҲОРМАНГИЗ

Олқишлайман, дўстлар, бугун мен сизни, «Пўлат от» ўйнатган ўғилингизни, Дарёлашиб атай кўнгилдан сўзни — Алпомиш келбатли, дўстлар, ҳормангиз!

Шамолдан чайқалар денгизлар, қўллар, Меҳнатдан толиқмас шу олтин қўллар, Ғайратингиз кўриб, яйрайди диллар, Фарҳоддай журъатли, дўстлар, ҳормангиз!

Эл ишига белни бойлаб тушибсиз, Нахрилайдай тўлиб, тошиб жўшибсиз, Чўнг хирмонга катта ҳисса қўшибсиз, Аваздай шиддатли, дўстлар, ҳормангиз!

От чопса, гумбирлар тоғининг дараси, Ундан ҳам зўр «пўлат от»нинг наъраси, Асли сизлар йигитларининг сараси, Ҳотамдек ҳимматли, дўстлар ҳормангиз!

Пахтазорнинг шамоли бор, гарди бор, Элининг қувонч-ташвиши бор, дарди бор, Шу дардин олай деган марди бор, Рустамдай ғайратли, дўстлар, ҳормангиз!

Кўз қамашар дўмбранининг нақшидан, Дил торини ўзманг сира яхшидан, Олқиш айтса, олинг Зиёд бахшидан, Мардимайдон дўстлар, энди ҳормангиз!

БАҲОРИМСАН, ДИЛБАРИМ

Кўнглим олган дилдоримсан, дилбарим, Ишқини солган гулзоримсан, дилбарим. Гўзалим, сен умримнинг баҳори, Севиб қолган баҳоримсан, дилбарим.

Бошинга ярашар заррин рўмонинг, Танимга ўт солур юзингда ҳолинг. То тирирман, сенда ишқим, ҳуморим, Меҳрибоним, ҳуморимсан, дилбарим.

Асир қилган мени шаҳло кўзларинг, Илҳом берар ширин-шакар сўзларинг. Қувончимсан, юлдузимсан, Зухрамсан, Вафодорим, дилдоримсан, дилбарим.

Зиёд бахши куйлар шеърда мудом, Сен борсан, қалбимда қайнайди илҳом, Баҳор каби яшнаб юргин ёнимда Жўшиб чертган бахт торимсан, дилбарим.

Зиёдулло бахши ИСЛОМОВ.

КУЛГАНГА КЕНГ ДУНЁ

— Мана, ўғлим, таътилга ҳам чиқдинг. Энди сени қайси лагерга юборсам экан!

— Ҳечам бормайман лагерга!

— Иё, нега ўғлим!

— Ойимлар аданг лагердалар, деб сизин неча йил кутдилар...

— Опа-чи, опа, сиз атиргулмисиз?

— Жиннивой-ей, мен сенинг опангман.

— Унда нега сизни кўрганлар ўн гулдан бир гули очилмаган дейишади?

— Ҳўш, жиян, бу йил нечани синфга кўчдинг?

— Иккинчи қаватдаги охириги синфга...

Абдулла ТОЛИПОВ, Тошкент.

— Айтчи, Эшмат, мабодо эртага давлат чегараси очик, деб эълон қилишса, нима қилган бўлардинг?

— Дарахтга чиқиб кетардим.

— Нега энди?

— Тўс-тўполонда оёқ остида қолиб кетишим мумкин.

Кўшми:


— Э, тур ўринингдан, у ёқда уйинг ёняпти.

Пивохўр:

— Бўлмаган гап. Уйимнинг калити чўнтагимда-ку.

Т. МАҲМУДОВ, Фарғона.

БОШҚОТИРМА



Азиз муштарий! Айланалардаги ҳарфларда ибратли ўзбек халқ мақолларидан бири яширинган. Ававал бош ҳарфини топиб, шакл марказидаги чизиклар йўналиши бўйича кетма-кет ўқисангиз, адолатли тарғиб қилувчи мақолани билиб olasиз.

Тўзувчи Ф. ОРИПОВ.

ЯНГИ КИТОБ

САРВАРНИ

АСРАШ

ЙЎЛИДА

Мен йигирма йиллар давомида ички ишлар идораларининг тергов соҳасида хизмат қилиб келдим. Табиийки, йигирма йил тарих учун киприк қоқишга арзигудек бўлмаса ҳамки, бир инсоннинг ўртача умрига нисбатан узоқ вақтдир. Айтмоқчиманки, ўтган вақт ичида жуда кўплаб жиний ишлар билан шуғулланишимга тўғри келди. Уларнинг ниҳоятда катта қисми давримиз вабосига айланган гиёҳвандлик билан боғлиқ эди.

Кўпинча ўйга толардим. Агар ҳаётнинг гултожи, барчанинг сарвари ҳисобланмиш инсон шу заҳри қотил исканжасига тушмаганида, бу кўргуликлар қаерда эди. У баттол қандай сеҳрли кучки, юртдошларим умрини қаро қилгани етмай, энди кўзга кўриниб келаятган авлодларимизга ҳам чанг солмоқчи. Камтарона тажрибамдан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, гиёҳвандлик барча жиноят қонунбузарликларининг ибтидо-си. Наҳотки, аксариятимиз шуни била туриб, кўпчилигимизни хароб қилган бу иллатдан фарзандларимизни саклаётмаймиз?

Тан олиш керак, шу пайтга-ча номлари тилларга тушган фозилу фузалолар гиёҳвандликнинг ўнглаб бўлмас оқибатлари тўғрисида билганларини ўргатишди, шу тариқа тахлам-тахлам китоблар пайдо бўлди. Аммо барибир кутганимиздек наф йўқ.

Яқинда «Ўзбекистон» нашриёти Зуфаржон Жўраевнинг «Инсон — барчанинг сарвари» номли рисоласини босмадан чиқарди. Ана шу китобча билан танишиб чиққач, кўнглим бироз таскин топгандек бўлди. Чунки муаллиф ИИБ тизимида ўзига яраша тажриба ва кўникма орттирганлиги боис муаммога, назаримда, чуқурроқ ёндашган. Мавзунини ҳам адабий, ҳам фалсафий таҳлил этишга, пировардида натижасидан умид қилса бўладиган таклифларини муҳокамага ташлашга жазм этган.

Кенг ўқувчилар олмаси учун мўлжалланган бу асарда фақат романтик ҳис-туйғулар ҳукмронлигига йўл қўйилмаган. Аксинча, ИИБ олий милиция мактаби олимлари ташаббуси билан 1988 йил ноябрь ойида ўтказилган Бутуниттифоқ илмий-амалий анжумани, сўнгра 1989 йил бошида гиёҳвандлик билан кураш масалаларига бағишлаб ўтказилган халқаро учрашув ҳулосалари, таъбир жоиз бўлса, ижодий ривожлантирилган. Жумҳуриятимизнинг ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик билан боғлиқ маъмурий ва жиний қонунлари аниқ мисоллар билан шарҳланган. Ва айна пайтда бу борадаги мавжуд қонунлар бугунги кунимизга мослаб ўзгартирилиши керак, деган фикр илмий жиҳатдан асослаб берилган.

Сегиб турибсизки, содда ва раво тилда ёзилган бу китоб бирорта ўқувчини ҳам бефарқ қолдирмаса керак. Чунки унинг ҳар саҳифасига инсон барчанинг сарвари эканлиги ҳақидаги тушунча сингдирилган. Ҳадисларга асосланган ҳолда номаъқул ишлар бўлаётган пайтда уни қўл билан тўхтатишга, бунинг илжои бўлмаганда сўз билан тўхтатишга, бунинг ҳам уддасидан чиқиш амримаҳол бўлганда эса фикран қайтаришга уриниш керак, деган ўоя байроқ бўлиб турибди.

Т. АЙДАРОВ, милиция подполковниги.



Муҳаррир

Зокир ОТАЕВ.



Телефонлар: муҳаррир —

54-37-91, муҳаррир ўрин-


босари — 39-77-23, мух-

бирлар бўлими — 59-26-56,

59-20-92, умумий бўлим —

59-21-21.

Обуна рақами — 64615.



МАНЗИЛГОҲИМИЗ:

700029, Тошкент, Лопат-

тин кўчаси, 1.

* Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт. * Мақолада келтирилган рақамлар, фантлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очиқ эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади. * Муаллифнинг мулоҳазаси таҳририят фирмага мос тушмаслиги мумкин. * Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтаришмайди.

Ўзбекистон Жумҳурияти «Шарқ» нашриёт-матбаачилиги концерни босмаҳонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Рўзнома офсет усулида, А-3 қолипида босилган.

Босмага бериш вақти 18.00.

Босмага берилди 17.00.

13002 нусхада чоп этилди.

Буюртма — № Г—96.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10

Таклиф, мулоҳаза, мунозафа

Оғзида тиши қолмаган табаррук қарияларимиз ёш ота-оналарга кўпинча бир гапни қайта-қайта уқтиришди: «Болани яхшилаб овқатлантириш керак, илиги бақувват бўлади!»

Агар чуқурроқ мулоҳаза юритиб кўрилса, ана шу сабоқ замирида бир олам маъно бор. Буни замонавий тиббиёт ҳам юз фоиз қўллаб-қувватлайди. Агар одам бир кунда 250 грамм гўшт истеъмол қилса, деярли касалликларга чалинмайди. Бу табиатнинг ёзилмаган қонуни. Келинг, энди ана шу 250 грамм бир йил давомида қанча бўлишини ҳисоблаб кўрайлик. 90 килограмм.

Кузатувлар шунини кўрсатадики, қишлоқ жойларида бир киши йил ўн икки ой давомида 10 килограммдан 25 килограммгача гўшт таъминот қиларкан. Бу ёни ҳар кимнинг топиш-тутишига боғлиқ.

Иқтисодий инқироз туфайли мазкур номутаносиблик янада кучайиб кетди. Сир эмас, қўл учидан кун кўрадиган оилалар гўштни қўя туринг, ёр, гуруч, ун маҳсулотлари истеъмолида ҳам чекланишларга дуч келдилар. Бу кунлар-ку ўтиб кетар, аммо ҳозир шундай.

Савол туғилади: нима, халқнинг бу шароити Президентимизни ёки унинг атрофидаги раҳбарларни ташвишга солмаётими?

Ташвишга сояпти, улар халқимизни бу оғир шароитдан тезроқ олиб чиқиб кетиш тўғрисида бош қотиряптилар, кам таъминланганлар турмуш тарзига жиддий аҳамият бермоқдалар. Аммо кўп ҳолларда уларнинг кўрсатмалари қўйига етиб кел-

ганида фаоллардан А. Деҳқонов ва Б. Маъмуровлар ана шу саволни бердилар ва бу савол ғоят долзарблиги учун бошқалар томонидан олқишлаб маъқулланди.

— Аҳоли рўйхати йил бошида олинади,— деб тушунтириш берди Бешариқ қишлоқ Кенгаши раисининг ўринбосари А. Абдулаҳадов. — Мисол учун туман статистика бўлими томонидан 1991 йил бошида 143 та

топилди. Етти кишидан иборат маҳалла кўмитаси аъзолари сайландилар. Раис, котиб ва оқсоқоллар кенгаши раисига қолган тўрт нафар аъзони танлаб олиш ҳуқуқи берилди. Ўз навбатида ўша 4 нафар фаол ўзларига яна тўрттадан ёрдамчи танлаб олишди. Бу гуруҳларнинг ҳар бири ёшлар ҳақида, тўйларни тартибли, ортиқча дабдабасиз ва осойишта ўти-

ЭНГ МУҲИМИ САЛОМАТЛИК

гунча бузилаёпти, баъзи нопок кимсалар камбағалнинг бир пярча нонини ҳам тортиб олиб, қўлидаги ёғли гўштга қўшиб ейишга ҳаракат қилмоқдалар. Инсонни хом сут эмган банди деб бежиз айтишмайди.

Мисол учун биз истиқомат қилаётган Иттифоқ қишлоғининг Трактор маҳалласида ун маҳсулотлари ўз вақтида тарқатилмади, жон бошига 7 килограммдан эмас, 4 килограммдан берилди. Нима учун?

Яқинда бўлиб ўтган маҳалла аҳлининг умумий йи-

оила рўйхатга олинган. Ваҳоланки, йил давомида улар сони 192 тага етган. Аммо бунга эътибор қилинмай, озиқ-овқат маҳсулотлари аввалги ҳисоб бўйича тарқатиларкан.

Кўриниб турибдики, бу эл-юрт ризқини қийиш жараёнида баъзи савдо ходимлари амалга ошираётган талон-тарожликка қўшимча бўлган янги омилдир. Агар изланса, бундай омилларнинг янги-янги хиллари топилаверади.

Ана шундай кўнгилсизликларга барҳам бериш чораси

ши, хотин-қизлар масаласи, қўйди-чиқдиларни камайтириш ва шунга ўхшаш муаммолар ҳақида қайғуради. Айни пайтда дўконларда озиқ-овқат ва айрим саноат моллари тақсмоти ҳам қатъий назорат остида бўлади.

Ҳар ойда бир марта умумий йиғилиш ўтказилиб, гуруҳлар фаолиятига доир ҳисобот тингланади.

Ҳозирча биз бу тadbирдан катта натижалар кутяпмиз. Абдувоҳид АҚРАМОВ, Фарғона вилояти Бешариқ тумани.

КОМПЬЮТЕР — БЕМИННАТ ЁРДАМЧИ

Жамиятимизда турли хил жиноятларнинг тобора ўсиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Бу юртдошларимизнинг турмуш тарзига салбий таъсир қилиб, кўп ҳолларда ижодий меҳнат билан шуғулланишлари, мустақил Ўзбекистонимиз равангага ҳисса қўйишларига тўқилиш қилипти. Ҳуқуқ-тартибот идоралари ана шу ҳол билан курашишда аксарият ҳолларда ожизлик қилиб қоляпти. Нима учун? Ҳеч кимга сир эмас, қонунбузарлар энг замонавий анжомларга, жуда тақомиллашган транспорт воситаларига эгаки, бу жиҳатдан қараганда суд, прокуратура, милиция ўта нозорлиги аққол кўзга ташланиб қолади. Уларда маълумотларни қайта ишлаш ва ҳужжатларни расмийлаштириш ҳамон алмисокдан қолган услуб асосида амалга ошириладики, анча кўп вақт сарфланиши керак.

Жиззах вилоятидаги Октябрь тумани прокуратурасида ана шу вазиятдан чиқиш йўли топилди. Прокурор А. Эргашев пахта тозалаш заводи маъмуриятиса улардаги компьютердан вақтинчалик фойдаланиш масаласида мурожаат қил-

ди. Корхона жамоаси эса ўз мажлисида ана шу илтимосни атрофлича муҳокама этди. Ниҳоят туманда ҳуқуқ-тартибот ишларини яхшилаш энг зарур вазифа, деган қарорга келинди ҳамда «Роботрон ЕС 1834» белгилли электрон-ҳисоблаш машинасини прокуратурага текин фойдаланиш учун беришга қарор қилинди.

Инсон ақл-заковатининг сўнгги маҳсули бўлмиш бу машина прокуратурада мутахассислар ёрдамида ишга туширилди. Қонунчилик ва жиноятчилик ҳақидаги мавжуд маълумотлар махсус программа ёрдамида компьютер «хотира»сига киритилди. Қарабсизки, иш анча яхшиланди ва сифат даражаси кескин кўтарилди. Бу маълумотлар доимо прокурор кўз олдида бўлиб, ходимлар фаолиятини ташкил этиш тақомиллаштирилди. Ўтказилаётган умумий назорат тартибидидаги текшириш натижалари, судга юборилган даъво аризалари, фуқаролардан тушган шикоятлар, жиноятчилик ҳақидаги хабарлар компьютер «мия»сига жойланади. Беминнат «ёрдамчи» ана шу маълумотларни зумда

қайта ишлайди. Қарабсизки, прокуратура ходими ўзини қизиқтирган саволларга тезда жавоб топиши мумкин. Бир варақдан иборат бўлган мати унинг ёрдамида 20-25 дақиқада ёзиб олинади. Оддий ёзув машиналарида кун бўйи қилинадиган ишлар компьютер ёрдамида атғи 2-3 соат ичида туғалланади. Қолаверса, прокурорнинг икки-уч кунлаб вақтини оладиган йиллик, ярим йиллик ҳисоботлар ҳам унинг кўмагида 2-3 соат ичида тайёр ҳолга келтирилади. Натижада прокурор умумий назорат тартибидида киритилган тақдимномалар жавобини, даъво аризаларининг судда кўрилишини, шикоятлар ижросини, янги жиноятлар тўғрисидаги хабарлар ечимини ва бу борада муҳлатга қатъий амал қилинишини назорат қилиб бориш учун вақт топади.

Вилоят прокуратураси раҳбарияти ишни ташкил этишдаги бу янги усулни кенг оммалаштириш керак, деган фикрга келди.

Абдулла МАМАДАЛИЕВ, Жиззах вилояти прокурорининг биринчи ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси.

ҚИЗ ҲАМ АЙБДОРКУ!

Маҳкам Муҳаммад ўғлининг «Сени болохонада қутаман» мақоласини ўқиб қаттиқ ҳайратга тушдим. Ҳаёлимни турли саволлар чулбаб олди. Нималар бўлаёпти? Қизларимиздаги ибб, ор-номус, ҳаё ўрнини бузуқчилик эгаллаётган бўлсал.. Балоғат ёшига етмаган қизларнинг бузуқчилик кўчасига кириб кетишини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Дилнозага ўхшаган қизлик ор-номусини бир лаҳзаллик айш-ишратга алмаштирадиганлардан нафратланаман.

Ота-она юзини ерга қаратган, эл-юртга иснод келтириб, маҳаллада шарманда бўлган бундай қизларга нисбатан қаттиқроқ чора кўрилиши тарафдориман. Таклифим: Ўзбекистон Жумҳу-

риянинг жиноят мажмуасига ўзгартиришлар киритилса, Дилноза сингари қизлар ҳам жазога тортилса. Шундагина қизларнинг бузуқчилиги, фоҳишабозлик йўлига киришининг олди олинади. Тошкентдек шаҳри азимда бундай ярамас ҳолатларнинг рўй беришига йўл қўймаслик керак. Ўз тана-сини пулга сотадиганларнинг танобини тортиб қўядиган вақт келди.

Истагим шу. Қонуншунослар Шавкат билан бирга Дилнозага ҳам баб-баравар жазо қўлласинлар. Ахир мақолада қайд этилганидек, «ғунаҳини кўзини сузмаса, буқа ипини узмайди».

Муҳиддин ЖУРАЕВ, Тошкент давлат дорул-фунунининг журналистика куллийти толиби.

ЁЗСА АРЗИЙДИ

Ҳурматли таҳририят ходимлари!

Мен Марҳамат тумани ИИБда котиба бўлиб ишлайман. Рўзномангизни бирорта сонини ҳам қолдирмай мунтазам ўқиб бораман. Унда касбига маҳр қўйган милиция ходимлари ҳақида янада кўпроқ ҳикоя қилишларингизни истардим. Яна шундай ҳикоя қилиш керакки, ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолиятини унча яхши тушунамайдиганлар баъзан бу ерда ҳаёт-мамот учун жанг кетишини англаб етсинлар. Қолаверса, хизмат бурчига содиқ кишилар дунёқароши, мақсади ва маслағи ҳаммага аён бўлсин. Ана шундай ходимлардан бирини мен сизларга таништиришим мумкин. Қобилжон Мадумаров илгари бизнинг ИИБ ЖҚБда ишларди, бугунги кунда эса Қўрғонтепа тумани ИИБ бошлиғининг ўринбосари. Унинг тажрибаларини, ишдаги ва оиладаги ўрнини ўрганиш ва рўзномага олиб чиқиш ғоят фойдали, деб ўйлайман. У ҳақда ўзим ёзсам ҳам бўларди, аммо чумчуқ сўйса ҳам, қассоб сўйгани маъқул бўлса керак.

П. АБДУҚОДИРОВА, Марҳамат тумани.

Махсус устун

ТАБРИКЛАЙМИЗ

8 май — муҳтарам падари бузрукворимиз Рўзмат Нурметовнинг таваллуд топган кунлари.

Азиз отажон! Аввало пайғамбар ёшингиз муборақ бўлсин. Сизга яна узоқ умр, сиҳат-саломатлик ва хотиржамлик тилаймиз. Кексалик ажин солган юзингиздан тавассум аримасин.

Оила аъзоларингиз номидан ўғлингиз Ражаббой НУРМЕТОВ.

«Дружба» шаҳар ИИБ ходими, милиция старшинаси.

ХОҲИШ БЎЛСА,

МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Тошкентдаги олий ҳарбий-техника билим юрти 1992 йил учун абитуриентлар қабул қилади.

Билим юрти қўйидаги мутахассисликлар бўйича ички қўшинлар, ички ишлар идоралари ва ахлқоқ тузатиш муассасаларига офицерлар тайёрлайди:

— алоқа воситаларидан фойдаланиш муҳандислари;

— радиотелемеханика системасидан фойдаланиш ва таъмирлаш муҳандислари;

— молиявий иқтисодчилар;

— ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича иқтисодчилар;

— взвод командирлари (ҳуқуқшунослик маълумоти билан);

— отряд бошлиғи (ҳуқуқшунослик маълумоти билан).

Ўқиш муддати 4 йил.

Қабулга алоқадор бошқа саволлар билан ҳарбий комиссариатларга ҳамда жойлардаги ички ишлар бошқармаларига мурожаат қилиш мумкин.

Манзилгоҳимиз: 700211, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон Республикаси ТОХТБЮ (яни ТошМИ яқинида).

Телефонлар: 46-87-31; 46-84-71; 46-74-71.

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги олий мактаби 1992-1993 ўқув йили учун талабалар қабул қилади.

Мактабга ўрта маълумотли, соғлиғи хизматга ва ўқишга яроқли, ички ишлар идоралари талабларига жавоб бера оладиган ва 17 дан 25 ёшгача бўлган фуқаролар қабул қилинади.

Бу ҳақда виллоятлар ИИБлари кадрлар бўлиmlаридан батафсил маълумот олиш мумкин.

1983 йил 25 июнда Сулҳонбек Солибеков номига берилган ўрта маълумот тўғрисидаги Г № 259411 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.